

# Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

# Нидош



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-yil 13-avgust, №32 (969)

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 29 июлда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2015 йил 6 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"**ги 632-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда) **21-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин: "Агар шахс чет давлат фойдасини қўлаб фаолият юритиш ёки тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш орқали жамият ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказган бўлса ҳам Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилиши мумкин";

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **"Прокуратура тўғрисида"**ги 746-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257-II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда) **14-моддасига** қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларини ижро этиш мақсадида ўтказилган тегишлик давомида давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳужжатлари аниқланган тақдирда, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади.

Давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг ҳужжатлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда камситётган бўлса, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёхуд бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиши мумкин";

**учинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"**ги 818-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524-II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда) **6-моддасига** қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

"Вазирлар Маҳкамаси вазириликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиши мумкин";

Вазириликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги таклифлар киритиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади";

/Давоми 2-3-бетларда/

## Ўзбекистон Президентининг янги китоби


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг **"Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир"** номи китоби **"Ўзбекистон"** нашриёти томонидан кўпнинг нусхада чоп этилди.

Маълумки, 2015 йил 29 март куни юртимизда улкан сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтди. Ҳар томонлама юқори савияда, муқобиллик асосида ўтган бу сайлов мамлакатимизни демократик ривожлантириш йўлида муҳим, ҳал қилувчи босқич бўлиб, халқимизнинг ўз кучи ва салоҳиятига бўлган ишончи нақадар мустақкам экани, унинг сиёсий-ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги, Ватанмиз тақдирини учун дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

Конституциямиз, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари, демократик тамойиллар асосида ўтказилган ушбу сайловда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовга овоз берди. Бундай ёрқин ғалаба, ҳеч шубҳасиз, Ислоҳ Каримовнинг давлат раҳбари сифатида Ўзбе-

кистон мустақиллигини таъминлаш, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги стратегик мақсад ва вазифаларини ҳал этиш йўлидаги бекиёс хизматлари, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг халқимиз томонидан юксак эътироф этилгани ва яқдиллик билан қўллаб-қувватланганидан далolat беради.

Ушбу китобдан давлатимиз раҳбарининг сайловдаги жараёнларидаги 20 дан зиёд учрашув ва анжуманларда, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари билан учрашувларда, иккала палатанинг қўшма мажлисида, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либе-



рал-демократик партиясининг VII съездида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан учрашувларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришни тантанали маросимдаги нутқ ва маърузаларида, шунингдек, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида билдирган энг муҳим, концептуал аҳамиятга эга гоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

/Давоми 5-бетда/

Парламентда

## Мамлакатимизнинг социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим масалалар

**Жорий йилнинг 6-7 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирилик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.**

Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисининг кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама этиш чоғида сенаторлар таъкидлаганларидек, кўриб чиқилаётган қонунлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 22 январда ўтказилган биринчи мажлисидаги нутқида ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида баён этилган вазифаларнинг рўёбга чиқарилишига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тadbirkorлиги тўғрисида"ги Фармони ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-

га хусусий мулкни, тadbirkorлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисида сенаторлар томонидан кўриб чиқилган алоҳида муҳим масала бўлди.

Қонун билан давлат рўйхатидан ўтказиш, бизнес юритиш тартиби, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлардан тортиб то уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, жавобгарликни эркинлаштиришга қадар тadbirkorлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳатларига дахл қиладиган 40 дан ортиқ қонун ҳужжатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

/Давоми 5-бетда/

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

/Давоми. Бошланғичи 1-бетда/

**тўртинчи — еттинчи қисмлари** тегишчан олтинчи — тўққизинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 12-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **43-модданинг биринчи қисми** куйидаги мазмундаги "д" банд билан тўлдирилсин:

"д) озодлиқни чеклаш";

2) **44-модда учинчи қисмининг биринчи жумласи** "қамок" деган сўздан кейин "озодлиқни чеклаш" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи жумласидаги** "ёки хизмат бўйича чеклаш ёхуд" деган сўзлар "хизмат бўйича чеклаш, озодлиқни чеклаш ёки" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **46-модданинг тўртинчи қисми** "шу мuddатга" деган сўзлардан кейин "озодлиқни чеклаш ёки" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) куйидаги мазмундаги **48<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**"48<sup>1</sup>-модда. Озодлиқни чеклаш**

Озодлиқни чеклаш суд томонидан махрумига нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарқ этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

Озодлиқни чеклаш олти ойдан беш йилгача мuddатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодлиқни чеклаш, уни махрумининг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишининг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товланишнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд махрумининг зиммасига куйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин:

муайян жойларга бормаслик; оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

муайян фаолият билан шуғулланмаслик;

муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзидан сақламаслик;

транспорт воситасини бошқармаслик;

маҳрумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;

муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик; алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Суд озодлиқни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузатишга қўмақлашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Агар озодлиқни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгартирилган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин.

Маҳрум озодлиқни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товланган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юқланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодлиқни чеклаш жазосининг ўтальма қолган мuddатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Жазони ўташдан бўйин товланган вақти ўталган жазо мuddатига қўшиб ҳисобланмайди.

Озодлиқни чеклаш харбий хизматчилар, чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмайди";

5) **50-модданинг олтинчи қисмидаги** "тўртдан уч" деган сўзлар "учдан икки" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **61-модда: биринчи қисмининг "а" банди** "қамок" деган сўздан кейин "озодлиқни чеклаш" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисми** "қамок" деган сўздан кейин "озодлиқни чеклаш" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **62-модда биринчи қисмининг "а" банди** "қамок" деган сўздан кейин "озодлиқни чеклаш" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **63-модданинг матни** "қамок" деган сўздан кейин "озодлиқни чеклаш" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **73-модданинг биринчи қисми** "хизмат бўйича чеклаш" деган сўзлардан кейин "озодлиқни чеклаш" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **74-модданинг: биринчи қисми** "Озодлиқдан маҳрум этилган" деган сўзлардан кейин "озодлиқни чекланган" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўртинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Озодлиқдан маҳрум қилиш ёки озодлиқни чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодлиқдан маҳрум қилиш ёки озодлиқни чеклаш жазосининг ўталмаган қисми мuddатига тайинланади";

11) **78-модданинг "г" банди** "қамок" деган сўздан кейин "ёки озодлиқни чеклаш" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) **81-модданинг биринчи қисми** куйидаги мазмундаги "в" банд билан тўлдирилсин:

"в) озодлиқни чеклаш";

13) куйидаги мазмундаги **84<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**"84<sup>1</sup>-модда. Озодлиқни чеклаш** Озодлиқни чеклаш воғга етмаган маҳрумларга нисбатан асосий жазо чораси сифатида олти ойдан икки йилгача мuddатга тайинланади";

14) **89-модданинг биринчи қисми**

"озодлиқдан маҳрум қилишга" деган сўзлардан кейин "озодлиқни чеклашга" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

15) **90-модданинг:**

**биринчи қисми** "озодлиқдан маҳрум қилиш" деган сўзлардан кейин "озодлиқни чеклаш" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўртинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Озодлиқдан маҳрум қилиш ёки озодлиқни чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодлиқдан маҳрум қилиш ёки озодлиқни чеклаш жазосининг ўталмаган қисми мuddатига тайинланади";

16) **98-модданинг, 156-модда иккинчи қисмининг, 176-модда биринчи қисмининг, 207-модда учинчи қисмининг, 230, 231-моддалар биринчи қисмларининг, 257, 258, 259 ва 262-моддалар иккинчи қисмларининг санкцияларидаги** "беш йилгача" деган сўзлар "икки йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд беш йилгача" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **99, 120-моддаларнинг, 130<sup>1</sup>-модда иккинчи қисмининг, 139-модда учинчи қисмининг, 163, 251<sup>1</sup>-моддалар биринчи қисмларининг ва 277-модда иккинчи қисмининг санкцияларидаги** "уч йилгача" деган сўзлар "бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд уч йилгача" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **100, 101-моддаларнинг, 102, 105-моддалар биринчи қисмларининг, 112-модда учинчи қисмининг, 122-модда иккинчи қисмининг, 235-модда биринчи қисмининг ва 238-модда иккинчи қисмининг санкциялари** "ёки" деган сўздан кейин "бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

19) **103-модда биринчи қисмининг, 110-модда иккинчи қисмининг, 114-модда учинчи қисмининг, 129-модда иккинчи қисмининг, 188-модда учинчи қисмининг, 247 ва 251-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** "ишлари ёки" деган сўзлардан кейин "икки йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

20) **104-модда биринчи қисмининг, 105-модда иккинчи қисмининг, 113, 117-моддалар учинчи қисмларининг, 128-модда иккинчи қисмининг, 130-модда учинчи қисмининг, 135, 137-моддалар биринчи қисмларининг, 138, 154<sup>1</sup>-моддалар иккинчи қисмларининг, 162-модда биринчи қисмининг, 163-модда иккинчи қисмининг, 165-модда биринчи қисмининг, 166-модда иккинчи қисмининг, 173, 213, 225-моддалар учинчи қисмларининг, 235-модда иккинчи қисмининг, 238-модда учинчи қисмининг, 250, 251<sup>1</sup>, 253-моддалар иккинчи қисмларининг, 256-модда учинчи қисмининг, 267-модда биринчи қисмининг, 269, 276-моддалар иккинчи қисмларининг ва 277-модда учинчи қисмининг санкциялари** "уч йилдан" деган сўзлардан олдин "уч йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

21) **106-модданинг, 110-модда биринчи қисмининг, 113, 117-моддалар иккинчи қисмларининг, 127, 128-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** "қамок" деган сўздан кейин, **136-модданинг санкцияси** "қамок билан" деган сўзлардан кейин, **141-модда иккинчи қисмининг, 146-модданинг, 169-модда биринчи қисмининг, 171-модда иккинчи қисмининг, 193-модданинг санкциялари** "қамок" деган сўздан кейин, **194, 195, 196-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари** "маҳрум қилиб" деган сўзлардан кейин, **198-модда иккинчи қисмининг, 203, 216<sup>1</sup>-моддаларнинг, 216<sup>2</sup>, 217-моддалар биринчи ва иккинчи қисмларининг, 229<sup>2</sup>-модданинг, 241, 244<sup>1</sup>, 250, 250<sup>1</sup>, 269 ва 276-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** "қамок" деган сўздан кейин "ёки бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

22) **112-модда иккинчи қисмининг санкцияси** "ахлоқ тузатиш ишлари" деган сўзлардан кейин "ёки бир йилгача озодлиқни чеклаш" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

23) **113-модда бешинчи қисмининг, 116-модда учинчи қисмининг, 131-модда иккинчи қисмининг, 147-модданинг, 158-модда учинчи қисмининг, 204-модда иккинчи қисмининг, 216, 218-моддаларнинг, 219, 232-моддалар иккинчи қисмларининг, 233, 248, 252 ва 271-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** "қамок" деган сўздан кейин "ёки икки йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

24) **121 ва 257<sup>1</sup>-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари** "ишлари ёки" деган сўзлардан кейин "уч йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

25) **124-модданинг санкцияси** "жарима ёхуд" деган сўзлардан кейин, **159-модда иккинчи қисмининг, 171, 184, 202-моддалар учинчи қисмларининг санкциялари** "жарима ёки" деган сўзлардан кейин, **206<sup>1</sup>-модда учинчи қисмининг санкцияси** "маҳрум қилиб" деган сўзлардан кейин ва **223-модда биринчи қисмининг санкцияси** "жарима ёки" деган сўзлардан кейин "уч йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

26) **126-модданинг, 138, 156-моддалар биринчи қисмларининг, 179-модданинг, 180, 181, 181<sup>1</sup>, 186<sup>2</sup>-моддалар биринчи қисмларининг, 197, 199, 200-моддаларнинг, 201-модда биринчи қисмининг, 208-модданинг, 236-модда биринчи қисмининг, 239-модданинг, 253, 257, 258, 259, 260-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** "уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари" деган сўзлардан кейин, **261-модданинг санкцияси** "маҳрум қилиб" деган сўзлардан кейин, **268, 270 ва 274-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари** "уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари" деган сўзлардан кейин "ёки бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

27) **130 ва 214-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари** "уч йилгача" деган сўзлардан олдин "бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёки" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

28) **132-модда иккинчи қисмининг, 177, 185<sup>1</sup>-моддалар учинчи қисмларининг санкциялари** "жарима ёки" деган сўзлардан кейин, **206<sup>1</sup>-модда иккинчи қисмининг санкцияси** "маҳрум қилиб" деган сўзлардан кейин, **224-модда иккинчи қисмининг санкцияси** "жарима солиш ёки" деган сўзлардан кейин, **225 ва 234-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари** "жарима ёки" деган сўзлардан кейин "бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

29) **132-модданинг учинчи қисми, 167, 168, 173-моддаларнинг тўртинчи қисмлари, 180, 181, 181<sup>1</sup>-моддаларнинг иккинчи қисмлари, 184, 198, 202-моддаларнинг тўртинчи қисмлари ва 233-модданинг иккинчи қисми** "озодлиқдан" деган сўздан олдин "озодлиқни чеклаш ва" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

30) **127, 133-моддалар иккинчи қисмларининг, 145-модда учинчи қисмининг санкцияла**

ри «қамок» деган сўздан кейин, 201, 236-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари «маҳрум қилиб», «маҳрум этиб» деган сўзлардан кейин, 244<sup>1</sup>, 268, 270-моддалар иккинчи қисмларининг, 273-модда биринчи қисмининг ва 274-модда иккинчи қисмининг санкциялари «қамок» деган сўздан кейин «ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

31) 134-модданин, 166, 186<sup>1</sup>, 186<sup>2</sup>-моддалар биринчи қисмларининг, 241-модда иккинчи қисмининг, 241<sup>1</sup>, 249-моддаларининг, 251<sup>1</sup>-модда тўртинчи қисмининг, 254, 255, 263-моддалар биринчи қисмларининг ва 275-модданинги санкциялари «ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

32) 205 ва 206-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари «ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

33) 142-модданин, 166, 186<sup>1</sup>, 186<sup>2</sup>-моддалар биринчи қисмларининг, 241-модда иккинчи қисмининг, 241<sup>1</sup>, 249-моддаларининг, 251<sup>1</sup>-модда тўртинчи қисмининг, 254, 255, 263-моддалар биринчи қисмларининг ва 275-модданинги санкциялари «ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

34) 144, 145, 173, 184, 186-моддалар иккинчи қисмларининг, 198-модда учинчи қисмининг, 202, 213, 227, 228<sup>1</sup> ва 256-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари «икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

35) 159-модда биринчи қисмининг санкцияси «жарима ёки» деган сўзлардан кейин, 175-модда иккинчи қисмининг санкцияси «этилган ҳолда» деган сўзлардан кейин, 205, 206, 209-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари «маҳрум қилиб» деган сўзлардан кейин, 210-модда биринчи қисмининг санкцияси «этилган ҳолда» деган сўзлардан кейин, 211, 212-моддалар биринчи қисмларининг ва 237-модда иккинчи қисмининг санкциялари «жарима ёки» деган сўзлардан кейин «икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

36) 167, 168-моддалар иккинчи қисмларининг ва 182-модда биринчи қисмининг санкциялари «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

37) 102, 169, 228, 250<sup>1</sup> ва 255<sup>2</sup>-моддалар иккинчи қисмларининг санкциялари «икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

38) 175-модданинги учинчи қисми «қамок» деган сўздан кейин «озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

39) 178-модда биринчи қисмининг санкцияси «уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

40) 184<sup>1</sup>-модда иккинчи қисмининг санкцияси «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

41) 184<sup>1</sup>-модда учинчи қисмининг, 226 ва 278<sup>2</sup>-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари «жарима ёки» деган сўзлардан кейин «икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

42) 184<sup>1</sup>-модда тўртинчи қисмининг санкцияси «маҳрум қилиш» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

44) 255<sup>2</sup> ва 257<sup>1</sup>-моддалар биринчи қисмларининг санкциялари «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

45) 224 ва 228-моддалар учинчи қисмларининг санкциялари «икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

46) 226-модда иккинчи қисмининг санкцияси «икки» деган сўздан олдин «икки йилдан тўрт йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

47) 278<sup>2</sup>-модда иккинчи қисмининг санкцияси «бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

48) 278<sup>1</sup>-модда: биринчи қисмининг санкцияси «бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг санкцияси «бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

49) 278<sup>2</sup>-модда: биринчи қисмининг санкцияси «жарима ёки» деган сўзлардан кейин «икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг санкцияси «икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлардан кейин «ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

50) 278<sup>2</sup>-модда иккинчи қисмининг санкцияси «икки» деган сўздан олдин «икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 468-модда қуйидаги мазмундаги 4<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«4<sup>1</sup>) озодликни чеклаш тарихидаги жазога ҳукм этилган шахс учун белгиланадиган тақиқлар (чеклашлар);»

2) 539-модда: номидида ва матнидаги «ва ахлоқ тузатиш ишларини» деган сўзлар «ахлоқ тузатиш ишларини ва озодликни чеклашни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 541-модданинги биринчи қисмидаги «жарима солишни ва ахлоқ туза-

тиш ишларини» деган сўзлар «жарима солишни, ахлоқ тузатиш ишларини ва озодликни чеклашни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 542-модданинги учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жарима жазосига, ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жарима жазосини, ахлоқ тузатиш ишларини ва озодликни чеклашни жазонинг бошқа турлари билан алмаштириш тўғрисидаги масала қўриб чиқиши учун судга узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда, жазони ижро этувчи органининг тақдиминомаси маҳрум йўқлигида қўриб чиқиши мумкин. Жарима жазоси ёки ахлоқ тузатиш ишлари қамок ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган тақдирда суд маҳкумга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги ахтиёт чорасини қўллаш ва қидирув эълон қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши керак.»

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 238-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги 17<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилсин:

«17<sup>1</sup>-модда. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидаларини бузилганлиги қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка транспорт воситасининг мулкдорни тортилади.

Юридик шахсга тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка юридик шахсининг транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахси тортилади.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари

бузилганлиги қайд этилган тақдирда, ҳуқуқбузарликнинг тақдирини ҳисобга олинмайди, ушбу Кодекс 321-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Агар маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор устидан берилган шикоятни қўриб чиқиш жараёнида тегишли транспорт воситасига ҳуқуқбузарлик қайд этилган пайтда эғалик қилган шахс аниқланса ёхуд маъмурий транспорт воситаси бошқа шахсларнинг фойдаланишига хатти-ҳаракатлари натижасида транспорт воситаси мулкдорининг эғалигидан чиқиб кетганлиги аниқланса, транспорт воситасининг мулкдорига тегишли транспорт воситасидан фойдаланиш содир этилган, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун маъмурий жавобгарликдан озод этилади»;

2) 28<sup>2</sup>-модданинги иккинчи қисмидаги «128<sup>3</sup>-моддасининг тўртинчи қисмида» деган сўзлар «128<sup>3</sup>-моддасининг бешинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 36-модданинги биринчи қисмидаги «икки ойдан» деган сўзлар «бир йилдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 127<sup>1</sup>-модданинги: номидида «товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларидан фойдаланиш» деган сўзлар «товуш чиқарувчи, ёритувчи ва бошқа қурилмаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатish» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг диспозицияси «худди шунингдек давлат рақам белгиларини қўриш имкониятини чеклайдиган, уларни англашга тўсқинлик қиладиган турли ашёлар ўрнатish ва қоплама суртиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) 128<sup>3</sup>-модда: учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталиқда ошириб юбориши, — энг кам иш ҳақининг етти баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланганидан кейин бир йил давомида тақдор ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланганидан кейин бир йил давомида тақдор ошириб юбориши, — энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

6) 245-модданинги биринчи қисмидаги «128<sup>3</sup>-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар «128<sup>3</sup>-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 248-модданинги: биринчи қисмидаги «128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар «128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми: 5 ва 6-бандларидagi «128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар «128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин; 7-бандидаги «128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар «128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

/Давоми. Бошланиши 1,2,3-бетларда/

**8) 256-модданинг:**

**Биринчи қисмидаги** «128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар «128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**Иккинчи қисми учинчи хатбошидаги** «128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар «128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**9) 276-модданинг иккинчи қисми**

қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маълумотлар қуйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ташқиришлари ҳамда жабранувчи, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, овозли ёзувлардан, видео-ёзувлардан, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, шунингдек бошқа материаллар билан белгиланади»;

**10) 283-модда** қуйидаги мазмундаги

**тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди»;

**11) 291-модда:**

**Биринчи қисмининг «а» банди** «126-моддасида» деган сўзлардан кейин «127-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин; қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жарима солиш тўғрисида қарор чиқарган ваколатли орган раҳбари махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича транспорт воситалари жазо солиш ҳақидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан олтимиш кун ўтгач, жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси овозидан иш юришти тугагунга қадар ушлаб туриш тўғрисида ёзма кўрсатма беради»;

**Иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**12) 294-модданинг иккинчи қисмидаги** «ишни қўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган» деган сўзлардан кейин «ҳолларда, шунингдек ушбу Кодекс 309<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**13) қуйидаги мазмундаги 309<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«309<sup>1</sup>-модда. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган ҳолларда жарима солиш тўғрисидаги қарор**

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги бўйича жарима солиш тўғрисидаги қарор маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг иштирокисиз чиқарилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, юридик кучга эга бўлган электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилади ҳамда ушбу ҳужжатни тузган ваколатли шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг қўчирма нусхаси махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, электрон ҳужжатни қоғоздаги ҳужжатга айлантириш йўли билан тайёрланади ҳамда мазкур қарор чиқарилган кундан эътиборан уч кун ичида бюуртма почта жўнатмаси тарзида ҳуқуқбузарга юборилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши ке-

рак: қарор чиқарилган сана ва жой; уни чиқарган органнинг номи, шахснинг лавозими ва фамилияси; маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой ва ҳолатлар ушбу Кодекс Махсус қисмининг мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси, моддасининг қисми кўрсатилган ҳолда; махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган транспорт воситасининг ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтдаги давлат рақам белгиси билан туширилган тасвири; қабул қилинган қарор, тайинланган жаримани тўлаш тартиби ва муддатлари, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек жарима солиш тўғрисидаги қарор хусусида шикоят беришнинг процессуал тартиби»;

**14) 321-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги бўйича иш янгидан қўриб чиқиш учун юборилиб, қарор бекор қилинган тақдирда, мазкур иш маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан у илгари содир этган ҳуқуқбузарликларнинг такорорийлигини инобатга олган ҳолда умумий асосларда қўриб чиқишни лозим»;

**учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**15) 332-модда:**

**Биринчи қисми** «ун беш кундан кечиктирмай тўлашни лозим» деган сўзлардан кейин «ушбу модданинг иккинчи қисми бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун солинган жаримани ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб олтимиш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда эса, шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тўлаши лозим»;

**Иккинчи ва учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-1-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-1-сонли қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 9, 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар; № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгариш киритилсин:

**1) 988-модданинг биринчи қисми** «бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**2) 1001-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида етказилган зарар-

нинг ўрнини қоплаган давлат содир этилган айбли ҳаракатлари террорчиликка қарши операция ўтказилишига сабаб бўлган шахсга нисбатан тўланган товон миқдорига қайта талаб қилиш (регресс) ҳуқуқига эга»;

**тўртинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгариш киритилсин:

**1) 14-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи** «қамоқ» ва «томоидан» деган сўзлардан кейин тегишинча «озодликни чеклаш» ва «ёки суд белгилайдиган бошқа орган томонидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**2) III бўлимининг номидаги «ҚАМОҚ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ»** деган сўзлар билан алмаштирилсин; **«ҚАМОҚ ВА ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОЛАРНИ»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3) қуйидаги мазмундаги 8<sup>1</sup>-боб**

билан тўлдирилсин: **«8<sup>1</sup>-боб. ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ**

**44<sup>1</sup>-модда. Жазони ижро этиш тартиби**

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш маҳкумининг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан ёки суд белгилайдиган, маҳкумларнинг суд белгилаган тақикларга (чеклашларга) риоя этиши устидан назоратни амалга оширадиган бошқа орган томонидан амалга оширилади.

**44<sup>2</sup>-модда. Озодликни чеклаш муддатини ҳисоблаш**

Озодликни чеклаш муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Маҳкум узрли сабабларсиз ўзбошимчалик билан яшаш жойида бўлмаган вақти озодликни чеклаш муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

**44<sup>3</sup>-модда. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби**

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс суд томонидан белгиланган тақикларга (чеклашларга) риоя этиши, шунингдек ўзининг жазони ўташи билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ёки ёзма ташқиришлар бериш учун чақирув бўйича жазоларни ижро этиш инспекциясига келиши шарт.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсга нисбатан электрон кузатув воситалари қўлланилиши мумкин.

Муайян вақтда яшаш жойидан кетишга, тегишли маъмурий ҳудуд доирасида жойлашган маълум жойларга боришга ёхуд тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиш учун рухсатнома, шунингдек яшаш жойини ўзгариштириш учун рухсатнома жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан берилади. Қарор тақикларнинг (чеклашларнинг) хусусиятидан, маҳкумининг шахсидан, унинг ҳулқ-атворидан, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигидан келиб чиқиб, алоҳида ҳолларда қабул қилинади.

Уй-жойидан чиқиб кетишга бутунлай тақиқ белгиланган маҳкумининг доимий яшаш жойидан кетиши учун рухсатномага, маҳкумининг тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиши учун рухсат-

номага, шунингдек маҳкумининг яшаш жойини ўзгариштириш учун рухсатномага прокурор томонидан санкция берилади.

Агар озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказган моддий ва маънавий зарарининг ўрнини қоплаган бўлса, жазоларни ижро этиш инспекцияси илгари маҳкумга белгиланган тақикларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

**44<sup>4</sup>-модда. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартларини бузганлик учун жавобгарлик**

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартлари маҳкум томонидан бузилганлиги учун жазоларни ижро этиш инспекцияси унга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллаيدди.

Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товланган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юқлатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жазоларни ижро этиш инспекцияси судга маҳкум учун озодликни чеклашини ўталмаган муддатини жазонинг бошқа турига алмаштириш ҳақида тақдимнома киритади.

Қуйидагилар озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товланган деб эътироф этилади:

а) ўзига нисбатан суд томонидан белгиланган тақикларни (чеклашларни) бузишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида огоҳлантириш тарзида интизомий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида жазони ўташ тартиби ва шартларини бузишга йўл қўйган маҳкум;

б) ўзига нисбатан техник назорат воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузган маҳкум;

в) яшаш жойидан аширинган, қаерда эканлиги учун сўтқадан ортиқ вақт ичида аниқланмаган маҳкум;

г) яшаш жойидаги жазоларни ижро этиш инспекциясига белгиланган муддатдан уч суткадан ортиқ вақт мобайнида келмаган маҳкум»;

**4) 168-модданинг биринчи қисми** «қамоқ» деган сўздан кейин «озодликни чеклаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги 160-11-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-342-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 333-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда) **42-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари** чиқариб ташлансин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Терроризмга қарши кураш тўғрисида**»ги 167-11-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 15-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда) **23-моддасининг биринчи қисмидаги** «тартибда қопланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**»ги ЎРҚ-371-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда) **13-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

**еттинчи хатбоши** чиқариб ташлансин;

**саккизинчи хатбоши** еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

**12-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президентини**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2015 йил 10 август  
№ ЎРҚ — 389

# Ўзбекистон Президентининг янги китоби

*/Давоми.  
Бошланғичи 1-бетда/*

Давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилган ана шу чиқишларда мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнини янги босқичга қўтариш, унинг иқтисодий қудратини ошириш, ижтимоий соҳалар — таълим-тарбия, илму фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт тизимини изчил ривожлантириш, авллар, кексалар ва ёшларимиз учун янада қўлай шароит ва имкониятлар яратиш, ҳар бир ҳудуд ва минтақани раванқ топтиришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршиликларнинг моҳияти, турли таҳдидларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг тақдирини сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарарлар ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинган.

Мазкур тўпламнинг бош госясини қуйидаги сўзларда мўжассам бўлган энг муҳим ўзак фикр ташкил этади: "Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо бера эканмиз, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?" деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этаемиз. Айни вақтда "Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" деган савол устида ўйлашимиз, нафақат

ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим".

Ана шундай ёндашув асосида мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тарихий йўли теран таҳлил қилиниб, бу ҳаётий саволларга чуқур ва ҳақоний жавоблар берилгани нашрнинг қиммати янада оширади.

Ушбу китобни мутлолаа қилар эканмиз, ҳар бир масалала халқимизнинг миллий манфаати ва яна бир бор миллий манфаати нуктаи назаридан ёндашиш, теран қўёсий-таҳлилий мушоҳада, тарих, замон ва келажакни бир бутун диалектик ҳодиса сифатида қўриш, ҳар қандай мавзуда жўшқин баҳс ва мулоқотга тайёрлик — буларнинг барчаси мустақил ўзбек давлатининг асосчи, дунё микёсида тан олинган йирик давлат ва сиёсат арбоби Ислоҳ Каримовнинг сиёсий услубига хос бўлган ёрқин хусусиятлар эканига ишонч ҳосил қилаемиз.

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда беқиёс аҳамият касб этадиган мазкур китоб ҳозирги ва эртанги кунимизнинг энг устувор йўналишларини ўзида мўжассам этиб, янги ва яқин тарихимизнинг ҳали биз тўла англаб етмаган кўплаб қирраларини кашф этишда, жамиятимизнинг тараққиёт фалсафасини, мамлакатимиз ва халқимиз келажак, унинг раванқини белгилаб беришда, айниқса, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.



## Мамлакатимизнинг социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим масалалар

*/Давоми.  
Бошланғичи 1-бетда/*

Мажлисда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг фармонига мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган тўзатишлар хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти янада эркин ривожланишининг, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратиш имконини беради. Қонун тадбиркорларнинг фаолиятига тўқсинлик қилганлик ва ноқонуний аралашганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиради.

Жумладан, сенаторларнинг фикрича, солиқ тўлашдан бўйин товлаш тарзида биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар жиноят аниқлангандан кейин ўттиз кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган бўлса, пенялар ва бошқа молиявий санкцияларни тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилмаслигини назарда тутувчи норма ўта муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, қонунда ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлик ва савдо қоидаларини бузганлик учун жиноий жазо тайинланмаслиги, бунинг ўрнига маъмурий юрисдикция қўлланилиши назарда тутилганда, бундан йирик жиноятлар мустасно.

Таъкидланганидек, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжалиklarининг фаолиятини тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини уч йилда кўпи билан бир марта текшириш имконини ҳақидаги тартибнинг белгилаб қўйилиши тадбиркорларни уларнинг ҳўжалик фаолиятига асоссиз аралашшдан ҳимоя қилишга, бизнес юритиш учун қўлай шарт-шароитларни яратишга кўмаклашади.

Мажлисда қайд этилдики, ана шу ва бошқа янгиликларнинг қонунлар даражасида мустаҳкамлаб қўйилиши хусусий мулкни ҳимоя қилиш қарорларини янада кучайтиришга, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўқсиз ва ғовларни бартараф этишга, тадбиркорларнинг фаолиятига тўқсинлик қилганлик ва қонунга хилоф равишда аралашганлик учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат ва бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги муқаррарлигини таъминлашга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги (янги таҳрирда), "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар қи-

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,  
«Huquq»

ритиш тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида даромад ва мол-мулк солиқлари юзасидан икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида 1999 йил 7 сентябрдаги Билтимага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Баённомани (Берлин, 2014 йил 14 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини қўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Шунингдек, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги хисоботни, Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги ҳамда қатор хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш тўғрисидаги масалаларни қўриб чиқдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди. Барча қўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатнинг икки кун давом этган мажлиси яқунларига кўра 11 та масала, шу жумладан, 6 та қонун қўриб чиқилди.

## Ботаника боғида экологик акция

Тошкентдаги Ботаника боғида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Инсон саломатлигига соғлом муҳитнинг аҳамияти" шiori остида матбуот анжумани ва экологик акция ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, спортчилар, журналистлар иштирок этиди.

Ушбу тадбирда иштирок этганлар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида экологик муаммоларнинг салбий таъсирини камайтириш борасида амалга оширилаётган изчил исохотлар жамиятимизни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омилли бўлаётганини таъкидлашди.

Тадбирда таъкидланишича, 2008 йил ўзи фаолиятини бошлаган Ўзбекистон Экологик ҳаракати экологик муаммоларни бартараф этишда давлат ва нодавлат ташкилотлар салоҳиятини бирлаштириш, экологик қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолини атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кенг жалб этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик таълим-тарбия ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ кенг қўламли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Экоҳаракатдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар томонидан ўтган давр мобайнида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган тўққизта қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишларда жамоатчиликнинг фаоллигини кучайтиришда ОАВ фаолияти муҳим ўрин тутди. Аҳанавий тарзда ўтказилаётган экоҳурналистика танлови бу борадаги тарғибот ишларини кучайтириш, журналистларнинг малака ва маҳоратини оширишда ўз самараларини бераётди.

Жамиятимизда амалга оширилаётган экологик дастурлар ижросини таъминлашда ёшларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини кучайтириш мақсадида Экоҳаракатнинг ёшлар қаноти фаолияти йўлга қўйилган. Ўтган давр мобайнида ёшлар қаноти "тенгдош - тенгдошга" тамойили асосида фаолият билан иш юритиб, амалга оширилаётган лойиҳаларга йигирма мингга яқин йигит-қизни жалб этишга эришди. Талабалар ўртасида ўтказилаётган "Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича энг яхши гога" танлови интеллектуал салоҳиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш, долзарб экологик муаммоларга оид илмий изланишларни ривожлантиришга хизмат қилаётди.

Акция доирасида Ботаника боғида ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилди.

## ОАВ ходимлари учун ўқув-семинар

Республика Маънавият тарғибот маркази ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуриндаги Давлат бошқаруви академияси ҳамкорлигида журналистлар учун ўқув-семинар ташкил этилди. Унда таниқли олимлар, экспертлар, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, маънавият тарғиботчилари, босма ва электрон ОАВ вакиллари иштирок этиди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида узоқни кўзлаб юритилаётган сиёсат халқимизнинг тинч-осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт кечирishiда, барча соҳалардаги исохотлар муваффақиятида, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўси тобора юксалишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори истиқлол айёмига қизгин ҳозирлик қўриш, уни юксак савияда қўти олишга оид ишларни кенг, изчил ва тизимли тарзда йўлга қўйишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини, ўтган давр мобайнида халқимизни қўлга қиритган улкан ютуқларнинг моҳияти ва аҳамиятини, содда қилиб айтганда, биз кеча ким эдигу бугун ким бўганимизни

юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг тараққиёт одимлари, қўлга қиритган натижаларини бутун дунё тан олаётгани, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаб бораётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омиллини фўрдушларимиз тафаққури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганида қўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва таҳлил қилиш журналистлардан катта маҳорат, ёритилаётган мавзуну чуқур ўргангани талаб этади. "Бетақорримсан, яғонсан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" деган эзгу гоғани ўзида мўжассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирларни чуқур таҳлилий асосда, халқчил, самимий ёритиш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни, журналистларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий исохотлар, халқаро жараёнларни ёритишда эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар, Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрамига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва уларни етказиб бериш усулларига доир маърузалар тингланди.

Ўз муҳбиримиз



## Баркамол авлод тарбияси йўлида

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънавий етук ва баркамол авлодни тарбиялаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Юртимизда болаларнинг бахтли ҳаёт кечирishi, уларнинг қобилиятини аниқлаш ва намоён этиш учун барча зарур шароитлар ҳамда кенг имкониятлар яратилган. Мамлакатда баркамол авлодни тарбиялаш бўйича комплекс дастурлар доирасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, болалар ҳуқуқларини таъминлаш, ота-оналар ёки жамоатчиликнинг ўсиб келаётган авлод оиладаги масъулиятини ошириш борасида кенг қўлама ишлар амалга оширилмоқда.

Кайди этиб ўтилганидек, бугунги кунда Ўзбекистонда болаларга таълим ва тарбия бериш, уларни ихтиомий муҳофаза қилиш, соғлиғи ҳақида қайғуриш ва бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини мазмулли ташкил этиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 6 ойида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунларни такомиллаштириш мақсадида айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилди. Масалан, "Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисида"ги ҳамда "Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган ўқувчиларни бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига ёки инклюзив (уйғунлашган) шароитда таълим олиши учун умумтаълим муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомлар ишлаб чиқилиб, 2015 йил 2 июнда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия иш режасига асосан "Таълим тўғрисида"ги Қонун ижроси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўрганилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига киритилган тақдимнома кенгайтирилган видео-селектор йиғилишида муҳокама қилинди. Шу билан бирга, ушбу таълим муассасаларидаги қонунбузилишларни бартараф этиш юзасида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури Ҳуқуқат миқёсида тасдиқланиб, ижрога қаратилди.

"Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун ижроси ҳам ўрганилиб, текшириш жараёнида

1 413 нафар ўқувчи таълимга қайтарилди. Профилактик ҳисобдаги 222 нафар вояга етмаганларга ўқиш ва яшаш жойларидан мураббийлар бириктирилди.

Бундан ташқари, "Баркамол авлод" болалар марказлари, мусиқа ва санъат таълим муассасаларида вояга етмаганларнинг ватанпарварлик руҳида тарбияланиши, ижодий қобилиятлари ривожлантирилиши, уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишлари, таълим-тарбия сифати, моддий-техника базасидан самарали ва оқилона фойдаланилиши аҳоли ўрганилди. Текшириш натижаларига кўра, 290 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, 594 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, 28 та жиноят иши қўзғатилди, 71 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди.

Олиб борилган ишлар натижасида республика бўйича 2015 йилда умумтаълим мактабларини тамомлаган 483 минг 216 нафар битирувчиларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ҳужжат топширишлари таъминланди.

Коллеж битирувчилари бандлигига алоҳида эътибор қаратилди, ўтказилган 379 та ихтисослаштирилган иш ўринлари ярмаркаларида 18 минг 500 нафар битирувчилар ишга жойлаштирилди. Уларнинг 2 минг 727 нафарига тижорат банклари томонидан жами 32,5 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилиши таъминланди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Бош прокуратурада "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олишдаги долзарб масалалар" мавзусида конференция ўтказилди.

Шунингдек, ҳудудий комиссиялар томонидан таълим-тарбия бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди. Таълим муассасаларида давоматни назорат қилиб

Самандар АСТОНОВ,  
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

бориш мақсадида академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 926 тасида турнирлар ўрнатилди. Шу билан бирга, компьютер заллари, интернет хоналарида вояга етмаганларнинг бўлишлари ва бунинг таъсирида рўй бераётган салбий оқибатларни ўқувчилар онгига етказиш мақсадида Тошкент шаҳар прокуратураси ташаббуси билан "Виртуал хатар" номли видеофильм тайёрланиб, жорий йилнинг май-июнь ойларида таълим муассасаларида намойиш этилди.

Ҳудудий комиссия ва прокуратураларнинг ҳамкорлигида ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш ишлари давом эттирилиб, Наманган вилоятида жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган 680 нафар ногирон бола кизиқишларига кўра "Баркамол авлод" болалар марказлари ҳамда мусиқа ва санъат мактабларида ташкил этилган тўғра-рақларга жалб этилди. Қашқадарё вилоятида эса прокуратура ташаббуси билан Китоб туманида жойлашган "Дам олиш масканида" жорий йилнинг ёз ойларида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 77 нафар фарзандларининг дам олишлари ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан жорий йилнинг 6 ойида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 120 нафар болага турар жойлар ажратилди.

Болаларнинг ҳуқуқий муҳофазаси таъминланаётгани, ўсимлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига эътибор қўйишлари натижасида сўнгги йилларда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,2 фоизга, жиноятда иштирок этган вояга етмаганларнинг сони эса 10 фоизга камайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, таълимнинг мажбурийлиги, узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш, қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш устувор вазифалардан бири эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Бирон жисмоний ёки юридик шахс тегишли ташиқлотта мурожаат қилар экан, аризаси ўз муддатида ва тегишли тартибда ҳал қилинишидан умидвор бўлади.

## Қонуний манфаатлар ҳимояда

Жаҳонгир САПАЕВ,  
Қўшқўпир туман прокурорининг ёрдамчиси

Мурожаатларда тилга олинмаган муаммо, тақлиф ва бошқа масалаларнинг қонуний асосларда кўриб чиқилиши фуқароларнинг давлат бошқаруви ва маҳаллий идораларга бўлган ишончини мустаҳкамлайди, кўтарилган масаланинг ҳал қилиниши катта ёки кичик кўринишдаги муаммони бартараф қилиб, жамият раванқида ўрин тутади. Шу боис ҳам мамлакатимиз қонунчилигида мурожаатларни кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда бу жараённинг қонуний асослари аниқ белгиланган.

Прокуратура идоралари томонидан ушбу қонун ижросини назорат қилиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Маҳаллий давлат идоралари томонидан қонун ижроси қай даражада таъминланмоқда? Фуқаролар ва юридик шахслар ўз мурожаатлари натижаларидан қониқ-яптими? Уларнинг айрим мурожаатлари беэътибор қолдирилмаётими? Шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида туман прокуратураси томонидан юқоридаги қонун ижроси ҳамда жисмоний ва юридик шахслар вакиллари қабулининг ташкил этилиши юзасидан текширувлар ўтказилди.

Туман ҳокимлигида жисмоний ва юридик шахсларни ёки уларнинг вакилларини қабул қилиш учун қабул қилган ишлар бўлиб қолган. Мазсўл шахслар ва қабул вақтлари белгиланб қўйилган. Бу борада муайян тажриба тўпланган. Қатор ишлар амалга оширилган. Шу билан бирга, айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, ҳокимликда мурожаатларнинг тегишли идораларга юборилишида қонун талабларига риоя қилинмаган. Жумладан, фуқаро Ш.Ражаббоевнинг дорихона ва миллий ширинликлар ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратиб берилишини сўраб ёзган аризаси ҳоким ўринбосари, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, архитектура ва қурилиш бўлими бошлиқларига топширилиб мурожаатни кўриб чиқиб, натижаси ҳақида муаллифига ёзма равишда маълум қилиш вазифаси юклатилган. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими мудир К.Сафарбоевнинг хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашиб келганлиги оқибатда мазкур мурожаат туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи К.Якубовга орадан 27 кун ўтгандан кейин топширилган. "Тоҳир Шамсиддин" фермер ҳўжалиги раҳбари О.Хайитовнинг тўйхона қуриш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги мурожаати ҳам туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғига ариза кирим қилингандан 17 кун ўтгандан кейин топширилган. Девонхона бўлими бошлиғи К.Сафарбоевнинг ўз фаолияти давомида бундай ҳолатларга қўллаб йўл қўйганлиги аниқланди ва унга нисбатан тегишли чоралар қўрилди.

Қўшқўпир шаҳарчаси 6-сонли маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган текширишда ҳам қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг қабул қилиниши аҳоли жойига бориб ўрганилганда, МФЙ биносида ҳеч қанча йўқ эди. Айрим фуқаролар МФЙ раиси ва котибини излаб юрганликларини билдиришди. Фуқаролар йиғини биносида жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг вакилларининг қабул қилган ишлар бўлиб қолмаган, маъсўл шахслар ва қабул вақтлари белгиланб қўйилмаган. Фуқароларни қабул қилиш, мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш ҳисоб ва ҳисоботини юритиш, мурожаатлар бўйича иш юритиш белгиланган тартибда олиб борилмасдан қонун талаблари бузилган.

Бундан ташқари, фуқаролардан қабул қилинган 24 та мурожаат текшириш кунига ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мазкур мурожаатлар комиссияда кўриб чиқилмаган, ҳатто мурожаатларни қайд қилиш дафтарида кирим қилинмаган. Жумладан, "Чаманзор" маҳалласида яшовчи фуқаро О.Сапарбоевнинг икки ёшгача бўлган фарзандига нафақа пули тайинланишини сўраб 2015 йил 11 мартда ёзган аризаси орадан 59 кун ўтган бўлишига қарамайдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Фуқаролар йиғини раиси Д.Сатторов ва маъсўл котиб У.Давлетовга нисбатан ҳуқуқий чоралар қўрилди.

Мазкур текширишларда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

## Эътиборсизлик қимматга тушади



Бугунги кунда республикаимизда аграр секторни тараққий эттиришга қаратилган ислохотлар асосини им-фан ютуқларидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш тадбирлари ташкил қилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари масаланинг шу жиҳатига тўхталар экан, модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганимизни, ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ана шу мезонлар асосида босқичма-босқич модернизация қилиниб, соҳада хусусий мулк фаолияти кафолатлари учун барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди.

Бугун ана шу имкониятлардан тўлақонли фойдаланиб, хўжалигини гуркиратаётган фермерларимиз бисёр. Бироқ Наманган вилоят прокуратураси органлари томонидан қишлоқ хўжалигига оид

қонунчилик ижроси устидан назорат ўрнатилган бўлиб, мазкур соҳада ўтказилган текшириш ва мониторинглар давомида соҳада бир қатор камчиликлар борлиги кўзга ташланиб қолди.

Шу ўринда шартнома тузиш борасидаги ишлар ҳаминқадар эканини таъкидлаш жоиз. Боиси, прокуратура органлари томонидан мазкур жараённинг қонунийлиги ўрганилганда, айрим камчиликлар кўзга ташланди.

Ачинарлиси, баъзи хўжаликларда чигит экиш агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилмаган. Натигада бундай камчиликларга йўл қўйган фермерлар даласида чигит текис униб чиқмаган. Масалан, Чортоқ туманидаги "Шербулоқ юксалиши" фермер хўжалигида 1,7 гектар, "М.Фарманов" фермер хўжалигида 1,5 гектар, "Йўлдошбой Уста пахтакор" фермер хўжалигида 1,8 гектар, "Диёр Асқар Отабек" фермер хўжа-

лигида 1,4 гектар, "Ўғиллой Ўлмас Аъзам" фермер хўжалигида 1,5 гектар майдонга чигит сифатсиз экилганини аяқол сезиш мумкин.

Шунингдек, вилоятдаги бир неча фермер хўжаликлари чигит ўрнига режасиз бошқа экинлар экиб олишган. Масалан, Чортоқ тумани "Алихон Дехқон Қаноти" ММТП худудидидаги "Жўраҳон Турсунхон саховати" фермер хўжалиги раҳбари К.Мирзахолов "Уйчи пахта тозалаш" АЖ билан пахта хомашёси етказиб бериш бўйича контрактация шартномаси тузмасдан, чигит экиш режалаштирилган 27,1 гектар майдоннинг 13,7 гектарига картошка экиб, 13,4 гектарини чигит эмай қаровсиз қолдирган.

Прокуратура аралашуви билан мазкур қонунбузилиш ҳолати бартараф этилиб, чигит экилиши таъминланган. Шунингдек, Поп туманидаги "Найман" ММТП худудидида фаолият кўрсатаётган "Жўрабек" фермер хўжалигида чигит экилиши режалаштирилган 9 гектар майдонга кунгабоқар, "Худойберганов" ММТП худудидидаги "Аломат Мадинабону" фермер хўжалигида 7 гектарга ҳамда "Мирсултонова" ММТП худудидидаги "Сирли дарё ороли" фермер хўжалигида 3 гектарга полиз, "Фурумсарой" ММТП худудидидаги "Ҳамиджон Маназаров" фермер хўжалигида 4,7 гек-

Илҳомжон РАҲМОНОВ,  
Наманган вилоят прокуратураси  
бўлим катта прокурори

тар майдонга зиравор қўқат, "Аҳрор файзли келажак" фермер хўжалигида 3,5 гектарга пиёз экилиб, қонунбузилишига йўл қўйилган.

Бу каби ҳолатларни бошқа туманларда ҳам кузатиш мумкин. Айрим фермер хўжалик раҳбарлари чигит экилган майдонларни бузиб ўрнига бошқа экинлар экиб юборишгани ҳам текширишларда маълум бўлди. Масалан, Косонсой тумани "Кўқимбой" ММТП худудидидаги "Сокин соч жолоси" фермер хўжалигида чигит экилган 3 гектар майдон бузилиб, 2 гектарга пиёз, 1 гектарга кўчат, "Дўстлик" ММТП худудидидаги "Косонсой Роҳи Сафед" фермер хўжалигида чигит экилган 2 гектарга пиёз экиб юборган.

Бу каби салбий ҳолатларни бежизга мисол тариқасида келтирмадик. Боиси, айни дам қишлоқ хўжалиги учун долзарб палла. Бугун ишани тўғри, амалдаги қонун талабларидан четга чиқмай ташкил этиш эртанги мўл ҳосил учун мустаҳкам заминдир. Шундай экан, прокуратура органлари томонидан қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси доимий назоратда бўлиб қолади. Зеро, бугунги хато эртага қимматга тушади.

## Алданиб қолган ёмон

Акмал САЙФИДИНОВ,  
Қарши туман прокурори

2012 йилда Қарши туманида яшовчи қариндошлар Шаҳзод ва Сардор Мамадиёров ишлаш учун Россия Федерациясининг Москва шаҳрига йўл олишди. Ижара уй топиб, турли куришиш ишларида ишлаб бошлаган йигитлар билан бирга Қарши туманининг Мирмирон қишлоғида яшовчи Аббос Ғуломов ҳам бирга истиқомат қилар, у юртошларига ўзининг иши ҳақида баъзан мақтаниб кўярли.

Дарҳақиқат, Аббос анча йилдан буён Россия Федерациясида ишлаб, ўша ердан таниш-билишлар орттирганди. Шунингдек, иш берувчилар Аббосга ишонч билдириб, унга ишчиларни назорат қилиб юриш вазифасини ҳам топширишган, бу ишонч унга кўп келиб, эндиликда ўзи ҳам ишчи ёллаши мумкин эди. Ана шуларни назарда тутиб, Аббос Шаҳзод билан Сардорни Химки туманидаги қурилишда ишлашга ундай бошлади. Кунига 1000 Россия рубли мақдорида иш ҳақи, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш тўғрисидаги таклиф йигитларни унга эргаштишга мажбур қилди.

2012 йилнинг май ойидан бошлаб Шаҳзод билан Сардор А.Ғуломов иш бошқарувчи бўлиб ишлаётган қурилиш объектига ишга жойлаштирди. Аббос эса рўйхатга қўйдириш баҳонаси билан уларнинг фуқаролик паспортларини олиб, бажаришлари керак бўлган ишларни тақсимлаб берди.

Эрта тонгдан ярим тунга қадар тинимсиз меҳнат қилган йигитлар шароит Аббос айтганчалик яхши эмаслигини секин-аста тушуна бошлашди. Шарт-шароит тузук бўлмаса-да, улар яхши маош умидида ишлашда давом этишди. Бироқ орадан икки ой ўтса-да, Аббос иш ҳақидан оғиз очмасди. Бу орада Аббоснинг айлдовларига ишониб Қарши туманида яшовчи фуқаролар Акмал Тўраева, Маъруф Норкулов, Аброр Бегимов, Семад Ботиров ҳамда Илҳом Жўраевлар ҳам қурилишга келиб иш бошлашди. Аббос уларга ҳам кунига

1000 Россия рублидан иш ҳақи ваъда қилиб, фуқаролик паспортларини олиб қўйди.

2012 йилнинг август ойида Сардор Мамадиёров Аббосга бошқа ишга кетишини, шунинг учун иш ҳақи ва фуқаролик паспортини беришини сўради. Бироқ Аббос бу гапларни эшитмаганликка олди. Чунки унинг мақсади йигитларнинг иш ҳақларини ўзлаштириб, осон даромад топиш эди. У ана шу мақсадда Ш.Мамадиёровнинг 4 млн., С.Мамадиёровнинг 4 млн. 800 минг, А.Тўраевнинг 1 млн. 640 минг, М.Норкуловнинг 1 млн. 400 минг, А.Бегимовнинг 3 млн. 690 минг, С.Ботировнинг 1 млн. 440 минг сўмга тенг пулларини ўзлаштириб юборди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши туман суди томонидан Аббос Ғуломовга 6 йил муддатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Бироқ унинг жазо муддати "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори билан учдан бир қисмга қисқартирилди. Суд шунингдек, жабранувчиларга етказилган моддий зарарларни А.Ғуломовдан ундириш тўғрисида ҳам ҳукм чикарди.

Одам савдоси инсон, унинг дахлсиз ҳуқуқлари, кадр-қиммати, осовишта ҳаёти ва келажакига жиддий пугур етказувчи жиноят эканлиги бугун бот-бот такрорланади. Аммо хали-хануз айрим фуқаролар Аббос сингари кимсалар найрангининг қурбони бўлиб қолмоқда. Хулоса қилиб айтганда, одам савдосига қарши курашиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг, балки мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг олдидаги масъулияти вазифалардан биридир. Ушбу иллатга қарши курашиш учун доимо ҳушёр бўлишимиз зарур.

XXI аср — ривожланган техника ва телекоммуникация даврида "трансмиллий уюшган жиноятчилик", "терроризм", "оммавий қирғин қуролилари", "одам савдоси", "ғиёҳванлилик" ва "жиноий даромадларни легаллаштириш" каби жиноий-ҳуқуқий ҳамда сиёсий-иқтисодий тушунчаларнинг жаҳон майдонига чиқиб келиши ҳар бир давлат томонидан пухта ўйланган кучли сиёсат юритилишини ҳамда самарали халқаро ҳамкорлик ўрнатилишини талаб қилади.

## Долзарб масалалар муҳокама қилинди

Саидабнор ГУЛЯМОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг бўлим катта инспектори

2015 йилнинг 22-23 июль кунлари Вена шаҳрида (Австрия) АҚШ Давлат департаментининг кўмаги билан оммавий қирғин қуроллари тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро конференция ташкил этилди.

Унда 20 га яқин давлат, жумладан Буюк Британия, Канада, Қозғистон, Ҳиндистон, Испания, Россия, АҚШ каби давлатлар делегациялари, шунингдек, БМТнинг 1540-Резолюция бўйича Кўмитининг экспертлари ва Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ) туридаги Осие-Тинч океани гуруҳи, Евроосие гуруҳи ва Шарқий Европа гуруҳи вакиллари иштирок этилди. Шу билан бирга, ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти вакилларидан иборат Ўзбекистон Республикаси делегациясини ҳам иштирок этди.

Конференциянинг асосий мақсади ФАТФнинг оммавий қирғин қуроллари тарқатилишини молиялаштиришга тегишли тавсияларини муҳокама қилиш ҳамда шу турдаги жиноятларга қарши курашишнинг замонавий усул ва услублари бўйича тажриба алмашишдан иборат бўлди.

Йигилиш давомида иштирокчилар ФАТФнинг мазкур тавсиялари талаблари, жумладан, ушбу талаб-

ларнинг бир қатор давлатлар томонидан бажарилиши юзасидан тажрибаларини ўргандилар ҳамда миллий қонунчиликка ушбу тавсияларни киритишнинг мавжуд бўлган йўллари муҳокама қилдилар.

Худудий гуруҳларнинг вакиллари ҳам ўз нуқтаида оммавий қирғин қуроллари тарқатилишига қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорликдаги ҳаракатлар нақадар долзарблигини таъкидлаб ўтишди.

Шунингдек, кун тартибидан ўрин олган давра суҳбатида тадбир иштирокчилари томонидан БМТ Хавфсизлик кенгашининг тегишли резолюциялари талаблари ва ФАТФнинг тавсияларини амалиётга жорий қилиш юзасидан қисқача маълумотлар тақдим қилинди. Конференция якуни бўйича иштирокчилар томонидан оммавий қирғин қуроллари тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш йўналишини тақомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар билдирилди.

Ушбу конференция оммавий қирғин қуроллари тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар талаблари ва илгор хорж тажрибаси билан танишиш жараёнида амалий аҳамият касб этди.

# Судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари жорий этишнинг ҳуқуқий асослари

*Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шариоатида одил суловнинг сифати ва самарадорлигини ошириш тақозо этилмоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида алоҳида таъкидланганидек, қонун ва қонунчилик устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг фоят муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил ислохотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.*

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий  
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи

Шу маънода судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, судларда фуқаролик ишларини юритиш самардорлигини оширишни таъминлайдиган ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жамият ҳаётининг турли соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларининг изчил равишда кириб келаётганлиги одил суловни амалга ошириш тартиб-таомилларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Асосан ёзма тусга эга бўлган фуқаролик суд ишларини расмийлаштириш замонавий технологиялар асосида амалга оширилаётган тезкор иш муомалаларидан ортда қолиши мумкин эмас. Ўз навбатида, фуқаролик суд ишларини юришда ахборот технологияларидан фойдаланиш, судлар фаолиятида компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланиш самардорлигини ошириш судьяларнинг иш ҳажмини пайсатиришга, турли молиявий сарф-харажатларни камайтиришга хизмат қилади. Қолаверса, жамиятда демократия ва адолатни таъминлашнинг энг муҳим омил бўлиши суд ҳокимиятининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлангани унинг жамиятда тутган ўрни ва обрўсини ҳам оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди билан келишилган ҳолда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқлаш, судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилиш тўғрисида тақлифлар киритиш вазифаси юклатилган эди. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш, шунингдек таъминларни юритиш тезкорлигини ошириш учун судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш мақсадига 2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Дарҳақиқат, фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш судларда электрон ҳужжатлар айланишини тезлаштиради, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, ишлаш, тизимлаштириш ва сақлашини таъминлайди, ахборот тизими ёрдамида электрон воситалар орқали судга мурожаат қилиш имкониятининг берилиши эса суд орқали ҳимоя қилиш учун қулайликлар яратади, ахборот тизими орқали электрон шаклда суд муҳокамаси иштирокчиларини хабардор қилиш ва уларга суд ҳужжатларини ҳамда бошқа хат-хабарларни юбориш имкониятини яратади, булар охир-оқибат одил суловнинг самарасини оширишга, унинг тезкорлиги ва қулайлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу ўринда фуқаролик ишлари бўйича республика судларида кўриб тамомланган фуқаролик ишлари ҳажмининг йилдан-йилга кўпайиб бориши, бунинг натижасида судда иш кўриш бўйича судьяларнинг ўртача ойлик иш ҳажми ортиб бораётгани фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни тақозо этаётган эди.

2015 йил 10 июнь куни матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонуннинг 2016 йилнинг 1 январидан эътиборан амалга киритилган 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Юқорида қайд этилган қонун билан Фуқаролик процессуал кодексига киритилган муҳим янгилıklarдан бири Фуқаролик ишлари бўйича судларга электрон мурожаат қилиш электрон шаклда ҳам амалга оширилиши билан боғлиқ бўлди. ФПКнинг 238<sup>3</sup>-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза судга ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда берилиши назарда тутилди. Шунингдек, ахборот

tizimi орқали электрон шаклда судга бериладиган аризалар қаторидан ҳақамлик судининг хал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар, ҳақамлик судининг хал қилув қарорини мажбурий эҳти эриш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалар ҳам ўрин олди. Ундан ташқари, апелляция, кассация шикоятлари берилган ёки протест келтирилгандан кейин даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишуви битими тузиши ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда баён этилиб, апелляция, кассация инстанцияси судига топширилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, судга тақдим этилаётган даъво аризаси, ариза ва шикоятларнинг мазмун баён этилган ФПКнинг 149-моддасига аризада даъвогарнинг ёки унинг вакилининг, шунингдек бошқа тарафнинг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкинлиги, аризада электрон манзил кўрсатилганлиги аризагининг суд қақирув қозғолари ва бошқа хабарномаларни, суд хал қилув қарорларининг ва ажримларининг нусхаларини ахборот тизими орқали электрон шаклда олишга бўлган розилигини билдириши ҳақидаги нормалар билан тўлдирилди. Бу ўз навбатида судга мурожаат қилган ва ўз аризаларида электрон манзилини кўрсатган манфаатдор шахслар келажақда суд қақирув қозғоларини ва бошқа хабарномаларни, суд хал қилув қарорларининг ва ажримларининг нусхаларини ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш имкониятларига эга бўлишини кўрсатади.

Фуқаролик процессуал кодексига киритилган янгилıklarнинг навбатдагиси ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали судга қақирилиши ҳамда суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилиниши билан боғлиқдир. Хусусан, ФПКнинг 135-моддаси ишда иштирок этувчи шахс томонидан электрон манзили кўрсатилган тақдирда қақирув қозғоли ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкинлиги ҳақидаги янги норма билан тўлдирилди. Шунга мо-

над равишда ФПКнинг 133-моддасида суд қақирув қозғолининг мазмунига қўйилган талабларга суднинг телефон рақами ва электрон манзилининг кўрсатилиши ҳамда ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилаётган суд қақирув қозғолида кўрсатилши керак бўлган маълумотлар белгилаб қўйилди.

Процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини қафолатлаш мақсадида қонун билан телефонграммалар, телеграммалар ва хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали судга қақирилган ёки суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинган ҳолларда, телефонграммалар, телеграммалар, ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилган суд қақирув қозғолининг нусхаси иш материалларига қўшиб қўйилиши каби талаблар мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонунда процесс иштирокчиларининг, хусусан ўз аризасида электрон манзилини кўрсатган шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилинган шахснинг келмаганлиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмаслиги каби норма назарда тутилди (ФПКнинг 137-моддаси). Дарҳақиқат, келгусида электрон шаклда суд қақирув қозғолини олишга розилик берган шахс мазкур электрон хатни ўқишнинг ёки ўқидан бош тортиши ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмаслиги мантқан тўғри ҳисобланади. Шунингдек, ишда иштирок этувчи шахсларга телефонлари ва факсларининг рақамларини, электрон манзилини судга маълум қилган тақдирда, иш юритилаётган вақтда уларнинг ўзгарганлиги ҳақида судни хабардор қилиш масъулияти ҳам юкланди (ФПКнинг 138-моддаси). Фуқаролик процессуал қонунчиликка киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар одил суловнинг тезкорлиги ва қулайлигини таъминлашга, суд иш юритувини янада демократлаштиришга, суд харажатларини камайтиришга, шунингдек процесс иштирокчиларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

ФПКга киритилган янгилıklarнинг навбатдагиси — суд қарорларининг нусхалари ва бошқа ҳужжатларни манфаатдор шахсларга электрон шаклда юбориш механизмнинг жорий этилиши билан боғлиқдир. Хусусан, ФПКнинг 223-моддасига ўзгартиш киритилиб, унга кўра, тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра, уларга суд хал қилув қарорининг ёки иш

юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш тўғрисидаги ёҳуд аризани кўрмай қолдириш ҳақидаги ажримнинг нусхаси имзо қўйдириб топширилиши ёки почта орқали ёҳуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши назарда тутилди. Ахборот тизими орқали суд томонидан электрон шаклда юбориладиган суд ҳужжатлари қаторига сиртдан чиқарилган хал қилув қарорлари, суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нусхалари, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси ажримининг ёки қарорининг нусхаси, суднинг янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш тўғрисидаги ажрими ва суд томонидан чиқарилган бошқа бир қатор ҳужжатлари киритилди. Фуқаролик процессуал кодексига киритилган мазкур янгилıklar судлар фаолиятида ошқоралиқни таъминлашга хизмат қилиш билан биргаликда, фуқароларнинг бўзилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тез ва самарали ҳимоя қилишга, судлар фаолиятидаги сансалорликнинг олдини олишга, маълумотлар билан алмашишни электрон воситалари орқали суд ва процесс иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ишлаш самардорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонунни ишлашда чиқиш жараёнида бир қатор ривожланган давлатларнинг, хусусан, АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Корея каби давлатларнинг ижобий тажрибаси ҳамда мамлакатимизда бў соҳадаги амалду миллий қонунчилик амалиёти чуқур таҳлил қилинган. Шу ўринда ўрганилган Германия ва Франция каби давлатларда фуқаролик суд ишларини юритишга ахборот технологияларини жорий этиш жараёнида ишнинг хал этилишидан манфаатдор бўлган барча шахслар ҳамкорлигига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, Германиянинг "Юридик хизмат тўғрисида"ги Қонуни адвокатлар зиммасига "ProfiMahn" деб номланувчи буйруқ тартибда иш юритишнинг электрон ахборот тизимидан фойдаланиш мажбуриятини юклайди.


Мазкур электрон ахборот тизими ундан фойдаланувчиларга суд билан икки томонлама ахборот алмашиш имконияти беради ва аризанинг судга келиб тушганлиги, уни судга муҳокама қилиш ҳақидаги маълумотларни, шунингдек, суд ҳужжатларини олиш учун шарт яратади.

/Давроми 11-бета/

# Ишонмагин дўстинга...

Тенгдош ўртоғи, огаиниси чув тушириши етти ухлаб тушига кирмаган эди. Бари Муротжонга мақтаниб, онасининг номига банкдан 60 млн. сўм ипотека кредити олганини айтганидан кейин бошланди. Огаиниси пластик карточкадаги пулни нақлаштириб беришни ваъда қилди. Ўтган йилнинг июнь ойида унинг гапига лаққа тушиб, карточкани бериб қўйди. Дўсти ваъда қилганидай, карточкадаги пулни қарийб 32 млн. сўмини бўлиб-бўлиб, нақа қилиб берди. Ишончини «оқлади».

Маълум бўлишича, Х.Ходжаев ўтган йилнинг март ойида танишининг "Спарк" русумли машинасини ойига беш юз доллардан тўлаб, икки йил мобайнида қарзини узиш шарти билан 42 млн. сўмга савдолашиб олган эди. У сентябрь ойида Туркияга савдо иши билан жўнаб кетадиган бўлди. Шу арафада унга дўсти Муротжон бир илтимос қилди, яъни "Машинада тирикчилик қилиб турай, менга бериб кетинг", деди. У "яхшилик" қилган дўстига йўқ, дея олмади. Сафарга жўнаётган автомобилни "ишончли қўлга" топширди.



Уч-тўрт кундан кейин хориждан қайтиб Муротжонни топди. Машинани қайтариб беришни сўради. Дўсти "Камчилиги кўп экан, тузатирияман", дея орқага ташлайверди. Х.Ходжаев 25 октябрда савдо ишлари билан яна Туркияга жўнаб кетди. Орадан ўн кун ўтиб, 5 ноябрь куни қайтиб келиб, Муротжондан машинани қайтариб олмакчи бўлди. У эса машинани гаровга қўйиб, Р.Усмонов деган танишидан 4 минг 500 АҚШ доллари олганини, бироз сабр қилиб туришни сўради. Х.Ходжаев дарҳол қўл телефониди ўша одам билан гаплашди. Р.Усмонов эса "4500 доллар бериб машинани олиб кетаверинг", деди. Муротжонга ҳар гал ураганида, "Пулни топшириб,

машинангизни қайтариб олиб бераман", дея ваъдани куюқ қилиб юраверди. Кунлар, ойлар ўтди. Ниҳоят Х.Ходжаев огаиниси Муротжон Аширалиев чув туширганини англаб етди.

Дастлабки терговда Муротжон бошқа бир содда одамни ҳам чув туширгани аён бўлди. Юқориди таъкидлаб ўтилган фуқаро Р.Усмонов Кўкон шаҳри, Муштарий кўчасидаги иккита уйини сотмоқчи бўлиб эълон берган эди. Муротжон икки аёл билан унинг уйини кўргани келади. Ёнидаги аёлларни "Онам ва опам", деб таништиради ва нархини сўрайди.

— Катта уйни 150 миллион сўмга, кичикроғини 75 миллион сўмга сотаман, — деди Р.Усмонов.

— Ҳозир ёнимда йигирма беш миллион сўм бор, — дея Муротжон унга қармоқ ташлади. — Агар ўн беш миллион сўм бериб турсангиз, қирқ миллион сўм тўлаб, бир юз эллик миллион сўмга кредит олардим ва уйингизни пулни бир йўла берадими, дейди.

Орадан ўн кунча ўтиб, у яна келди. "Бошланғич тўрловга ўн беш миллион етмайпти, бериб туриг", деди. Р.Усмонов пулни ўғли Жасурбек орқали Муротжонга бериб юборди. Келаси куни М.Аширалиев "Спарк" русумли машинани гаровга қўйиб кетди. Октябрь ойида у "Катта уйни олишга қурбим етмас экан. Кичкинасини ўша сиз айтган 75 млн. сўмга оламан", деб ишонтирди. Салкам 30 млн. сўмини бериб, "Қолган 45 млн. сўмини бир ойда олмасиз", деди. Бирок қолган пулни бермай, пайсалга солиб юраверди. Ноябрь ойи бошида Р.Усмонов гаровдаги "Спарк" ма-

Содиржон Юлдашев,  
Кўкон шаҳар прокуратураси  
катта терговчиси

шинасини бошқариб кетаётганида ўша телефонда гаплашган одам тўхтатди.

— Машина меники, — деди Х.Ходжаев.

— Муротжон менга сотган. Пулни тўлаб, миниб кетаверинг.

Ўзаро сўхбат асосида икковлон М.Аширалиев "Алининг дўстлигини Валига кийгизиб", уларни лақиллатиб, пулларини шилиб олганига амин бўлишди.

Дастлабки терговдаги каби суд мажлисида фарибдан дарс беришга қодир М.Аширалиев айбига тўлиқ икорр бўлди.

— Уртоғим Туркияга жўнаш арафасида "Спарк" автомашинасини миниб туриш учун менга топширди. Р.Усмоновга тегишли уйни савдолашиб, 50 минг АҚШ доллари сотиб оладиган бўлдим. Аввалдан 1000 АҚШ доллари бериб қўйдим. Сўнгра Х.Ходжаевнинг "Спарк" автомашинасини гаровга қўйиб, Р.Усмоновдан 4500 АҚШ доллари олдим. Лекин унинг катта уйини олмайдиган бўлдим. Кичкина уйини 10 минг АҚШ доллари келишиб, танишим В.Ҳасановдан ушбу пулни олиб топширдим. Р.Усмонов уйни бошқа танишимнинг номига ўтказиб берди. Гаровдаги "Спарк" машинасини ўзининг номига ўтказиб олиб, қайтариб беришди. Бундан аввал июнь ойида ўртоғим Х.Ходжаевнинг пластик картасидаги пулни ечиб бераман, деб олгандим. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, унга йигирма миллион сўм, сентябрь ойигача бўлиб-бўлиб яна ўн тўрт миллион сўм бердим. Пластик картадаги қолган пулларини ишлаб қўйдим...

М.Аширалиевнинг айби иккорлигидан ташқари жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ҳам тасдиқланди. Суд Р.Усмоновнинг 69 млн. 500 минг сўм, Х.Ходжаевнинг 27 млн. 500 минг сўм пулларини фарибгарлик билан қўлга киритган судланувчидан жабрланувчиларга етказилган зарарни ундирган ҳолда, уни беш йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.



Инсондаги ғурур кишини излашишга, интилишга, ўзлигини намойён қилишга, бошини баланд туттишга ундаб туради. Ғурурли инсон пасткашликка қўл урмайди, ўзгаларни топтамайди. Аммо баъзида бу туйғуни "манманлик", "кибр" каби тушунчалар билан алмаштириб қўямиз.

## Мастликдаги қасос

Анвар ҳам ўз қилмишини "ғуруримга теғди", "нафсониятимни оғритди" қабилида оқламоқчи бўлди. Бирок, қонун унинг бу каби баҳоналарини инобатга олмади.

Киш кунларидан бири эди. Анвар Раҳимов онаси ва синглиси билан "Дунё" тўйхонасига танишининг тўйига борди. Қариндоши саҳийгина эди, ноз-неъматни аямади. Шу жумладан, спиртли ичимликларни ҳам. Соат 22:00 ларда тўйхона олдида сармаст турган Анварнинг ёнига маҳалладоши Даврон Ражабов ҳам маст ҳолда келиб қолди. Бироз гурунглашди. Негадир ораларидан гап қочиб, гижиллашиб қолишди.

— Зафар аканг аҳмоқлиги тўфайли жонига жабр қилди. Наркотик истеъмол қилиб, ўлиб кетди. Ҳамма наркоманнинг ҳам аҳволи шу.

Давроннинг бу гаплари Анварга оғир ботди. "Аблаҳ, ўзингни билсанг бўлмайдингми?! Туришингни кара, акамнинг рўҳини топташингга, шаънини таҳқирлашингга йўл қўймайман. Қараб тур хали...". Унинг миясини шу каби фикрлар эгаллаб олди. Бундай ўйлар маст йигитнинг аклини заифлаштириб, "Ўлдирман, яраманси!" деган қарорга ёпишиб олди. У ёқ-бу ёққа кўз югуртирди. Бу ер қотилликни амалга ошириш учун маъқул келмади.

Онаси ва синглисини таксига миндириб, уйига жўнатди-да, Давроннинг ёнига келди.

— Юр, бирга кетамиз, — дея маҳалладошига ёлғондакам ишлайди. Унинг асл ниятидан беҳабар йигит рози бўлди. Бу пайтда Анвар уни қандай ўлдириш режасини тузар, бунинг учун зарур қуролни изларди. Ниҳоят, топди. Таксида кетишаркан, йўл-йўлакка

Ойбек МАТЧОНОВ,  
Хоразм вилоят прокуратурининг  
катта ёрдамчиси  
Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,  
«Huquq»

бир шиша пиво сотиб олишди. Уни машинада бирга ичишди.

Анвар ҳайдовчидан ўзи овлоқроқ деб ҳисоблаган манзилда тўхташиб сўради.

— Бу ёнига пиёда кетамиз. Тоza ҳавода бироз ўзимизга келамиз, — баҳона қилди Давронга.

Машинадан тушгач, Анвар асл қиёфасини кўрсатди. Ичига ин қурган шайтон ҳўй чўзди.

— Мараз! Хали семми, акамнинг рўҳини безовта қиладиганми? У шундай дея шисани синдириб, Давронга ташланди. Бўйинига кетма-кет зарба берди. Д.Ражабов шу ернинг ўзида қон таслим қилди. А.Раҳимов эса пинагини ҳам бузмади. Марҳумнинг эгнидаги қимматбаҳо чарм куртқасини ва уяли телефонини олиб, воқеа жойидан қочиб қолди.

Қонун ҳимоячиларининг саъй-ҳаракатлари билан ушбу қотиллик тез фурсатда фожий этилди. Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг ҳукмига биноан А.Раҳимов 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ҳажининг сабоғи муҳим, дейдилар. Бу каби нохушликларнинг олдини олиш учун ёшларни гижандлик, ичкиликбозлик каби оғир иллатлар гирдобига тушиб қолишидан асрашимиз, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари-га қўмаклашимиз зарур.

## «Айланма йўллар»даги афсус

Чуст туманининг Шоён маҳалласида яшовчи Раҳмонали Малахов Қирғизистон Республикасида яшовчи акасини қўриб келиш учун жияни Хайринисога маслаҳат солади.

— Бориб акамни кўриб келмасам бўлмайди, — деди у. — Кексайиб қолди, "дийдор ғанимат", дейишадик!

— Мен ҳам амакимни кўрмаганимга анча бўлди, — деди Хайринисо.

— Бўлмаса, юр... Иккимиз бориб келамиз.

— Неча кунда бориб келишимиз мумкин?

— Нарӣ борса, икки кун вақтимиз кетади. Варзика бориб, айланма йўллар орқали Ажаксой адирлигига етиб олсак бўлгани, у ёғи Қирғизистон, — деди Раҳмонали.

— Бирор муаммо чиқмасмикан, чегара орқали чиқсак нима бўлади?

— Постма-пост, ҳужжатларни текшир-текшир қилиб ўтираемизми?!

— Майли, сиз нима десангиз шу... Қачон йўлга чиқамиз?

— Эртага кечқурун.

Тоға-жиян эртаси куни оқшомда йўлга тушишди. Тун қоронғусида чегарани бузиб, айланма йўллар орқали Қирғизистон Республикасига ўтиб олишди. Қариндошларининг хонадонига бориб, бир кун меҳмон ҳам бўлдилар. Шу ерда улар ҳамқишлоқлари Мирзамамут Умаровни учратиб қолишди.

— Чегарадан қандай ўтдинглар? — сўради Мирзамамут.

— Адир орқали, бир амалладик.

— Қандай қилиб қайтасизлар?

— Яна ўша йўл билан. Бошқа иложимиз йўқ.

— Қачон қайтасизлар? Мен ҳам қайтиб кетишим керак, сизларга ҳамроҳ бўламан. Бирга кетамиз.

— Яхши, кечқурун куёш ботгандан сўнг йўлга чиқамиз. Тайёр бўлиб туриг.

Хуллас, икки чегарабузар уч киши бўлиб ортага йўл олишди. Аммо бу сафар уларнинг "иши ўнгидан келмади". Республикамининг харбий чегара хизматчилари томонидан қўлга олиндилар.

Судда қонунбузарларнинг жинояти исботланиб, судланувчилар Р.Малахов, Х.Мўминова ҳамда М.Умаров Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди. Раҳмонали Малахов ва Мирзамамут Умаровга суд ҳукмига асосан ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизини

Гўзал ШАРИПОВА,  
Наманган вилоят прокуратурининг  
катта ёрдамчиси

давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга, Хайринисо Мўминовага эса ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди.

Жамиятдаги мавжуд қондиларга бўйсунган, қонунларни ҳурмат қилган инсон ҳеч қачон пушаймонлик гирдобига қолмайди. Чунки қонунлар мохиятан фуқароларнинг манфаатига хизмат қилади. Лекин бунга ҳамма бирдек англаб етавермас экан. Бу эса хато сари қадам босишга ундайди, ундан кейинги афсус, жавобгарлик ҳисси эса йилларга татиши мумкин...

## «Холис хизмат» қимматга тушди

Бугун юртимизда тадбиркорлар ва ишбилармонларга яратиб берилган шароит, имтиёз ҳамма имкониятлар уларни ҳалоликка, фидоиликка, ташаббускорликка ундаши шубҳасиз. Бироқ уларнинг орасида ҳамон кўзбўямачиликка қўл урадиган, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўювчи кимсаларнинг борлиги афсусландир.

Баҳром Валиев 2013 йилда қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган "Ehson frukt" хусусий корхонасини ташкил этганида кўнглидан нималар кечгани фақат ўзигагина аён.

Агар у ҳалоллик билан фаолият юритиш ниятида бўлганда иш бошлаганидаёқ қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини қайта ишлаш жихозларини харид қилишга, мазкур фаолият бўйича қонунга танган ҳолда ҳамкорлар топишга ҳаракат қилган бўларди. Бироқ у бундай қилмади. Аксинча, аввалдан ўзига таниш, лекин ноқонуний даромад топишни афзал кўрадиган "акахон"лари изидан кетди.

Ўзи етиштирмаган ва ишлаб чиқармаган, фуқаролардан нақд пулга сотиб олинган қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини чет элга экспорт қила бошлади. 2013 йил ва 2014 йилнинг 9 ойи давомида 129 млн. 173 минг АҚШ долларидек махсулотларни хоризга сотишга эришди. Бироқ, Афғонистондан ўз ҳисоб рақамига келиб тушган шунча маблағнинг 50 фоизини амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига кўра давлатга мажбурий сотиш ўрнига таниши — "VITA Medikal group" МЧЖ раҳбари А.Жўраев билан ҳамкорлик қилиш ва унинг фаолиятини кенгайтириш учун мазкур жа-

мият устав фондиди шакллантириш мақсадида ўтказиш юборди.

У А.Жўраев билан ҳамкорлигини давом эттирар экан, ўзи ташкил этган "Ehson frukt" хусусий корхонасининг фаолиятини тутатиш ҳаракатига тушиб қолди. Чунки энди унга бунинг кераги йўқ эди. Шу боис 2014 йил сентябрь ойи бошларида Мингбулоқ туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Р.Позиловага ниятини айтди.

— Ака, хусусий корхонам анчадан буён фаолият юритмайпти. Бу кетишда солиқдан ҳам, бошқа жойлардан ҳам қарздор бўлиб қоламан. Агар иложи бўлса, уни тутатишда ёрдам берсангиз...


Улар тезда тил топишиди. Чунки Р.Позилова ҳам Б.Валиев сингари манфаат учун ҳеч бир ноқонуний ишдан қайтмайди деганлар тоифасидан эди. Улар ўзаро жинойий тил бириктириб, тумандаги "Ҳайитали Абдусалом" фермер ҳўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши қарори ҳамда товарларни топириш ҳақида далолатнома тайёрлаб, ҳўжалик раҳбарининг имзосини сохталаштиришди. Кейин эса туман ҳокими номига ушбу сохта ҳужжатларни илова қилган ҳолда алоҳа хати киритишди. Натижа улар кутганидек бўлди.

Тўлқин ДАДАМИРЗАЕВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Мингбулоқ туман бўлими  
бошлиғи

"Ehson frukt" хусусий корхонасини "Ҳайитали Абдусалом" фермер ҳўжалигига қўшиб юбориш тўғрисида туман ҳокимининг қарори қабул қилинди. Б.Валиев шу билан жинойий ҳаракатларини яширганга ишонганди. Аммо бундай бўлмади. "Ehson frukt" хусусий корхонасида туман ДСИ томонидан ўтказилган текширишларда унинг кирдикорлари ошкор бўлиб қолди.

Жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман судида Б.Валиев ва Р.Позиловнинг мазкур жиноят иши атрофида ўрганиб чиқилди. Суд ҳукмига кўра, Б.Валиев икки йил муддатга мождий ва мансабдорлик ишларида ишлаш ҳўқуқидан мосуво бўлди. Шунингдек, беш йил у бир ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Р.Позилов эса икки йил муддатга мождий ва мансабдорлик ишларида ишлаш ҳўқуқидан маҳрум этилди, энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баробари миқдорда жарима жазосига тортилди.

Б.Валиев-ку, жазони ижро этиш муассасасида обдон ўйлаб, жазодан хулоса чиқариб олар. Аммо Р.Позиловнинг қисмати кишини беихтиёр ўйлантиради. Аслида муқаддам ҳам жиноятга қўл урган, бироқ унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши амнистия актига кўра тутатилганди. Шундан хулоса чиқарса бўларди. Аммо нафс қурсин, уни яна жиноят сари етаклади.



Сожида (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бу гал улгуржи бозорда харид қилиб олган пайпоқларни сотиш учун саккиз-тўққиз йил аввал Россияга кетгунига қаар яшаган Муқимий мавзесига йўл олади. Рўпара келган эски қўшни аёл билан илқ сўрашади. Муқаррамхон уни кўп қаватли турар жой биносига-ги уйига тақинф қилади. Дарров дастурхон тузади.

## Исход

Шоҳруҳ ФАЁЗОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қўқон шаҳар бўлими катта инспектори

— Вақтнинг ўтишини қаранг, — деди Сожида. — Мавжудан, Манзураҳон кап-катта бўлиб қолишгандир.

— Нимасини айтасиз, Мавжуда икки йил бўлди, Туркияда. Иши ёмон эмас. Пул жўнатиб туради. Ярим йилча аввал синглисини ҳам қаҳириб олди.

— Хорижда ҳаммаиям иши ўнгидан келавермас экан. Россияда шунча йил юриб, бирим икки бўлмади...

Хонадон бекасининг уяли телефони жиринглаб, гапнинг белгига тепди.

— Яхши, қизим. Ўзларинг тинчмисизлар? Ҳаммалари яхши, сўраб туришди. Юборган пулингни олдим. Раҳмат. Қўшимиси Сожида оланг эсингдами? Чой ичиб ўтирибмиз. Ҳўп, мана бераман... Бека "Мавжуда сизни сўрапти", дея телефонини Сожидага берди. Ҳол-аҳвол сўрашганларидан кейин аёл "Ишимнинг тайини йўқ, майда-чўйда олиб сотиб тирикчилик қиляпман, агар сердаромад иш бўлса, олдиларингга борардим", деди.

— Келсангиз, сизбоп иш топилади, — деди Мавжуда. — Ўзим қарашиб юбораман. Опа, илтимос, бир қиз бор, ўшани топиб, жўнатиб юборинг. Бишкекдан учиб келиши учун авиачипта олдириб қўйганман.

Орадан кўп ўтмай Мавжуда қайта телефон қилди. "Ойим юборган пулимни сарфлаб юборяпти. Сиздан илтимос, пулни ўзингиз Чорчинор кўчасида яшайдиган Мадррахим тоғанинг уйидан бориб олсангиз", дея тайинлади. Қариянинг ўғли Истанбулдаги почта идорасида ишларди. Кимга қанча пул жўнатганини қўл телефонида айтиб турарди. Мадррахим тоға ўзининг номига юборилган АҚШ долларларини ўғли тайинлаган, сўраб келган эгаларига топириб, алоҳида дафтарга имзо чектириб оларди.

Сожида февраль ойида Мадррахим тоғанинг уйига уч марта бориб, Мавжуда жўнатган 1150 АҚШ долларини олди. Ва "раҳнамаси" айтган вазифаларни бажаришни бошлаб юборди. У дастлаб, қўқонлик Сарвинозани қўшни Қозоғистон Республикасига ўтказиб юборди. Қиз Қозоғистондан Қирғизистон пойтахти Бишкекка бориб, самолётда хоризга учди. Мавжуда Сожидага телефон қилиб, Сарвиноз Истанбулга етиб келганини, яна унга ўхшаш қизлар бўлса, жўнатиб юборишни тайинлади. "Яна битта қизни жўнатганингиздан кейин ўзингизга Қирғизистон орқали учиб келишингиз учун авиачипта олиб бераман", дея ваъдани қуюқ қилди. Сожида сўраб-сурштириб, яна икки нафар қиз билан учрашди. Истанбулда катта пул ишлаб олишларига ишонтирди. Мавжудага телефон қилди. У қизларни онасининг уйига олиб боришни тайинлади. Муқаррамхоннинг уйида уяли телефонда қизларнинг суратларини, улар ҳақидаги маълумотларни сайт орқали Мавжудага узатишди.

Сожида қизларнинг бири Ойсанамнинг онаси Мастураҳонни хотиржам қилди. "Қизингиз хоризда аёллар кийим-кечаги салонидан янги бичимдаги қўйлақларни кийиб намойиш қилиб, яхшигина ҳақ олади", дея ишонтирди. Мавжуда юборган пулга қизларга янги усти-бош олиб беришди. Муқаррамхон ва Сожида сўнгги бор Чорчинор кўчасидаги қариянинг уйига бориб, Мавжуда юборган 250 АҚШ долларини олганларидан кейин Ойсанамни чегарадан Қозоғистонга ўтказиб юбориш учун божхона постига йўл олди.

Мастураҳоннинг кўнгли хилжол. Боиси, юртимизда одам савдоси ҳақидаги телеқўрсатувлардан бирида қизларни алдаб, хориздаги фохишахоналарга сотиб юборилганлиги, уларнинг қўлдан бири амаллаб қўтилиб келганлиги намойиш этилади. Шундан сўнг у СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қўқон шаҳар бўлимига мурожаат қилди. Ойсанам ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг назоратида жинойий гурҳуни фош қилиш учун ўтказиладиган тадбирда иштирок этиб, Сожида ва Муқаррамхонлар билан йўлга чиқади.

Ойсанамни Қозоғистон Республикаси ҳудудига ноқонуний ўтказиб, у ердан Қирғизистон Республикаси пойтахти аэропорти орқали Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Мавжуданинг (унга нисбатан алоҳида жиноят иш қўзғатилган) ёнига жўнатмоқчи бўлиб, таксидан олиб кетаётган Сожида ва Муқаррамхонлар Тошкент шаҳрининг "Роҳат" постидан ушланди. Улардан Ойсанам Ҳамидованинг фуқаролик паспорти, унга Бишкек шаҳрига етиб олиши учун берилиши лозим бўлган 200 АҚШ доллари, 166 минг сўм ҳамда қўл телефонлари ашёвий далил тариқасида олинди.

Суд мажлисида М.Сирожова ва С.Давидова одам савдоси жиноятига қўл уришганга тўлиқ иқор бўлишди. Ҳаром йўллар билан бойлик орттирмақчи бўлган судланувчиларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

## Ноқонуний бойлик буюрмади

Мамлакатимиз ҳўқуқ-тартибот органлари холимлари томонидан ўтказилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад турли қонунбузарлик ҳўлатларининг олдини олиш, жиноятчиликка чек қўйиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашдан иборатдир. Хусусан, СВОЖЖДЛҚК департаментининг Янгийўл туман бўлими холимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида яна бир жиноятнинг олди олинди.

Фуқаролар Шамил Кулиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва Шокир Набиев ўзаро жинойий тил бириктириб, ноқонуний тарзда валюта савдоси билан шуғулланаётганликлари аниқланди.

Нафс олами чек-чегараси йўқ хато йўлларга бошлади, минг бир қўйларга солади. Жар ёқасига бориб қолган кишининг эса ҳалоқатдан қўтулиб қолишдан кўра, тубанлик ботқоқига қулаши осонроқ кечади.

Халқимизда "Яхши бўлсанг ошингни, ёмон бўлсанг бошингни ейсан", деган нақл беркорга айтилган. Биз келтириб ўтмоқчи бўлган воқеада тузуққина вазифада ишлаб турган аёл жиноят кўчасига қадам босди. Оқибатда эса...

Утган йилнинг декабрь ойида пойтахтимиздаги "Алижон транс сервис" (исм-фамилиялар ва жамиятларнинг номи ўзгартирилган) ОАЖ билан "Салом транс" ОАЖ ўртасида ўзаро шартнома имзоланди. Унга кўра, "Салом транс"дан "Алижон транс сервис" 55 донна «Нексия» автомобили сотиб олиши керак эди. Келишув

Мирнозат МИРДЖАЛИЛОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят  
бошқармаси бўлими катта инспектори

Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда бу кимсалар бир фуқарога 7 минг АҚШ долларини 24 млн. сўмга сотаётган вақтда қўлга олинди. Улар бошқарувидаги "Ласетти" автомобили кўздан кечирилди ва унинг юкхонасидан сотиш учун тайёрлаб қўйилган яна 3527 АҚШ доллари, 2 млн. 700 минг сўм пуллар ашёвий далил сифатида ҳўжатлаштирилди.

Ушбу ҳолатни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман суди валютафурушларга қилмишларига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

## Нафс гирдоби

Бўйича дастлаб 28 донна автомобиль эгасига етказилади. Қолган 27 донна эса 2015 йилнинг март ойларида етказиб берилиши керак эди. Ана шу жараёндан "Алижон транс сервис" ОАЖ директорининг собиқ ўринбосари Гулида Холиқова ўз мақсади йўлида фойдаланиб қолмоқчи бўлди. У "Салом транс" ОАЖнинг раҳбари Шокир Шоазизовдан сотиб олинган ҳар бир автомобиль учун минг доллардан, яъни 55 минг АҚШ доллар микдорда "муқофот" пули беришни талаб қилди. Табиийки, Ш.Шоазизов унинг ноқонуний талабига кўнмади. Шундан сўнг Г.Холиқова унинг жамиятидаги молиявий камчиликлардан хабари борлигини, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётганини айтиб, агар сўралган пулни бермасан, тегишли жойларга бу ҳақда хабар бериши ҳақида

Маъруфжон АҲМЕДЖАНОВ,  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Бектемир туман бўлими бошлиғи

оғиз кўпиртириб, уни қўрқитадди. Ноилож қолган "Салом транс" ОАЖнинг директори Г.Холиқованинг ушбу талаби ҳақида СВОЖЖДЛҚК департаментининг Бектемир туман бўлимига ариза билан мурожаат қилди. Нафсининг йўриғига юриб, мўмай даромад орттирмақчи бўлган бу кимсаннинг қилмишига департамент ходимлари томонидан чек қўйилди.

Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди Г.Холиқованинг қилмишларига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди. Билиб туриб жиноятга қўл урган ва аёл энди белгиланган 10 йиллик қамоқ жазосидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олса ажаб эмас.



## Супермаркетда ис газидан заҳарланишди

"Orlando Sentinel" нашрининг хабар беришича, АҚШнинг Флорида штати Эвалон-парк шаҳридаги "Walmart" супермаркетинда 13 харидор ис газидан заҳарланган.

Савдо уйининг датчиклари ис гази меъёридан анча ошиб кетганини кўрсатганидан сўнг харидорлар дарҳол эвакуация қилинди. Заҳарланганларнинг 7 нафари шифохонага юборилди, қолганлари эса ўша ернинг ўзида ёрдам кўрсатилди.

Ўт ўчириш-қутқарув хизматининг маълумотларига кўра, бино ичидаги ис гази даражаси меъёридан бир неча баробар ошиб кетгани туфайли улар супермаркет ичига бир неча соат давомида кира олмаганлар.

Дастлабки маълумотларга кўра, ушбу ҳолат супермаркетда бир кун аввал олиб борилган газ билан пайвандлаш ишларида хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмагани оқибатида келиб чиққан.

## Танловда улкан тарвуз



Ашхобода умуммиллий полизчилар танловининг якуний босқичи ўтказилди. Давлат озиқ-овқат саноати бирлашмаси ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ўтказилган тадбир "Олтин қовун", "Энг йирик тарвуз", "Энг катта ошқовоқ", "Файриабий полиз маҳсулотлари" ва "Уста селекционер" номинациялари бўйича ўтказилди. Уларда мамлакатнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган деҳқонлар иштирок этди.

Биринчи номинация бўйича голибликни Аҳал вилояти Олтин Аср тумани вакили Бегенчмурот Ражапов кўлга киритди. У етиштирган қовуннинг вази 16 кг.ни ташкил қилди. Энг йирик тарвуз етиштирган полизкор сифатида эса Мари вилоятининг Вакилбозор туманидан ташриф буюрган Шухрат Геленов топилди. У танловга олиб келган тарвузнинг вази 31 кг. чиқди.

Шунингдек, Дашовуз вилоятининг Губадоғ туманида истикомат қилувчи деҳқон Хўжабой Нураков 39 кг.ли ошқовоқ билан учинчи номинацияда биринчи натижани қайд қилди.

## Чилида сув тошқинлари

Чили ҳукумати тинимсиз ёмғирлар келтириб чиқарган ҳамда беш кишининг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган сув тошқинлари сабабли мамлакат шимолида фавқулодда ҳолат эълон қилди.

Мураккаб вазият мамлакат пойтахти Сантьяго шаҳридан 1,3 минг км. шимолда жойлашган Антофагаста ва Токопиль шаҳарларида кузатилаётган. Ҳукумат сел келиш хавфи мавжудлиги сабабли юзлаб фуқароларни эвакуация қилган. Бошланасиз қолган кишиларга кўмак берилмоқда.

Маълумотларга кўра, табиий офат туфайли мамлакат миқёсида 100 мингдан зиёд аҳоли электр таъминотисиз қолган, 9 минг нафардан ортиқ киши тоза ичимлик сувидан маҳрум бўлган.



## Тайван тўфон остида қолди

Тайвандаги "Соуделор" тўфони қурбонлари сони 6 кишига етди. Яна 4 киши бедарак йўқолган, юздан ошқ одам жароҳат олган. Тўфон юзлаб дарахтларни кулатган, симёғочларни кўпориб ташлаган. Ҳаттоки юк поездининг бир неча вагонини издан чиқариб юборган. Маълум қилинишича, 3,2 млн. оила электр қувватисиз қолган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, тўфон оролнинг бутун худудидан ўтиб, жиддий талофатларга сабаб бўлган. Ҳозирда тўфон Хитой соҳилларига қараб кетмоқда. Тўфоннинг тезлиги сониясида 58 метрдан 48 метргача етган.



## Экипаж туфайли рейс кечикди

Латвиянинг "AirBaltic" авиакомпанияси Осло-Критг рейсининг кечикиши муносабати билан йўловчилардан ўзр сўради. Компания хабарномасида айтилишича, рейс экипаж аъзоларининг мастлиги туфайли ушлаб қолинган.

Ослодан Критга учадиган самолёт 4 соат-у 45 дақиқага кечиккан. Таъкидлашича, айти пайтда экипаж аъзолари тиббий текширувдан ўтмоқда. Тергов вақтида воқеа иштирокчиларининг бари ишдан вақтинчалик четлаштирилган.

Ушбу иш билан шуғулланаётган Норвегия полицияси компаниянинг юқорида тилга олинган рейсини амалга ошираётган учувчи ва экипажнинг яна уч нафар аъзосини кўлга олган. Уларнинг айби исботланса, барчаси 2 йилдан қамоқ ҳазосига ҳукм қилинишлари мумкин.



## Қурилиш майдонидан топилган бомба

Лондоннинг шимоли-шарқий қисмида портламай қолган бомба аниқлангандан кейин полиция ён-атрофни ўраб олади.

Қурилиш майдонидан топилган бомба иккинчи ҳаҳон уруши даврига тегишли эканлиги аниқланди. Айти пайтда ушбу худудга яқин бўлган кўчалардаги ҳаракатлар тўхтаб қўйилган. Йўлда тирбандлик келиб чиқмаслиги учун 4 та автобус йўналишининг схемаси ўзгартирилган.

## Тангалар эвазига бриллиант узук

Хитойда истиқомат қилувчи Лян Лян Ўзининг рафиқаси учун бриллиант тошаи никоҳ узугини 12 минг Хитой юанига харид қилди (1900 АҚШ доллари). Қизиқ томони, хитойлик харидор мазкур пулларни умумий оғирлиги 150 кг. бўлган тангаларда тўлаган.

Пулларни санаш билан дўконнинг тўрт нафар ходими шуғулланган. Ҳисоб-китоб учун улар ярим кун вақт сарфлаган. Хитойлик Лян ўз севглисини 20 йилдан буюн яхши кўриб келган ва унга пул топган, уйланишга ваъда берган.

Кўёвнинг сўзларига қараганда, иккита заргарлик буюмлари дўкони унга никоҳ узугини сотишдан бош тортган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

# Судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари

[Давоми. Бошланиши 8-бетда]

Франциянинг 2005 йил 28 декабрда қўлга кирган янги Фуқаролик процессуал кодексидан судлар билан ҳужжатлар алмашишининг электрон кўринишида амалга оширилиши бўйича муҳим қадам қўйилган. Хусусан, мазкур Кодекснинг 748<sup>1</sup>-моддаси ишга оид барча ҳужжатлар ва процессуал актларни электрон кўринишда тақдим этиш ёки бу ҳақда манфаатдор шахсларни хабардор қилиш юзасидан умумий қондани белгиланган. Ушбу Кодекснинг 748<sup>2</sup>-моддасига асосан, фақат адресат (хабар йўлланган юридик ёки jisмоний шахс)нинг розилиги билангина судга оид ҳужжатлар алмашишининг электрон шаклидан воз кечиш мумкин бўлар экан.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, асарият ривожланган давлатларда суд ишларини юритиш тўлалигича замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган. Хусусан, 1996 йилда АҚШнинг Огайо, Миссури ва Нью-Йорк штатларида намуна сифатида судга электрон шаклда мурожаат қилиш тизими (Case Management/Electronic Case Files (CM/ECF)) жорий этилган эди. 2001 йилдан эса мазкур тизим судга даъво аризаларини ва бошқа ҳужжатларни электрон кўринишда тақдим этиш жараёнида фаол қўлланилиб келинмоқда. Судга тақдим этиладиган аризалар аризаларнинг электрон рақамли имзоси билан, агар ариза вақолатли вакил томонидан берилган бўлса, вакилнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Бу эса ўз навбатида ҳужжатларни бирхиллаштириш ва унинг асл нусхасига мувофиқ бўлишини таъминлаш билан бирга аризага илова қилинган ҳужжатларнинг бус-бутун бўлишини ва ўзгармаслигини кафолатлайди. 2004 йилдан АҚШнинг барча судлари судга электрон шаклда мурожаат қилиш тизимига ўтган. Канадада судга электрон шаклда мурожаат қилиш тизими (e-Filing) 2002 йилдан бошланган. 2005 йилдан Италияда суд ишларини юритишнинг электрон тизими жорий этилган. Австралияда 2010 йилдан эътиборан миллий суд тизимида видео-конференц-алоқа кенг қўлланилиб келинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, Фуқаролик процессуал кодексига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар орқали фу-

қаролик ишлари бўйича судларга қилинадиган мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши ҳамда суд қарорларининг ишда иштирок этувчи шахсларга электрон воситалари орқали юборилишининг белгиланиши келажакда мамлакатимиз фуқаролик суд ишларини юритишга доир қўнучилигига суд мажлисини видео-конференц-алоқа режимида ўтказишга доир нормаларни киритиш, электрон суд жараёнларини кенг жорий этиш суд жараёнларини техник воситалар орқали қайд қилиш, шунингдек суд мажлиси стенографиясини юритиш каби одил судловни амалга оширишнинг илгор кўринишларини татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.



Юрт тирмилгини мустақамлаш ва қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонлардан бири, прокуратура фахрийси Ермолова Римма Петровна табаррук 90 ёшга қарши олмақда.

# Қутлуғ бўлсин!

У қарийб 40 йилга яқин Тошкент шаҳар прокуратураси тизимида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. Ишлаш жараёнида ижобий

фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб қолди. Камтарлиги, фидойилиги,

хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлди. Римма Петровна қайси лавозимда ишлашадан қатъи назар, ҳамيشа шоғирдларига меҳрибон устоз бўлиб, уларга доимо ўрнак бўлди. Унинг кўп йиллик самарали меҳнатлари прокуратура раҳ-

барияти томонидан юқори баҳоланиб, кўп мартаба рағбатлантирилди. Ҳурматли Римма Петровна, қутлуғ айёмингиз муборак бўлсин! Сизга соғлик-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиш!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази



## Де Брюйне «Манчестер Сити»га ўтиши мумкин

Англиянинг "Манчестер Сити" клуби Германиянинг "Вольфсбург" жамоаси ярим ҳимоячиси Кевин де Брюйнега қўлга киритишга яқин турибди. Манчестерликлар 24 ёшли бельгиялик футболчини Англия премьер-лигасининг 2-тури доирасида яқинда кўриб бўладиган "Челси" клубига қарши ўйингача ўз сафларига қўшиб олишга умид қилишмоқда. Эслатиб ўтамиз, де Брюйне аввал лондонликлар сафида тўп сурган. Маълумотларга кўра, "Вольфсбург" клуби ярим ҳимоячининг трансферидан 50 млн. фунтга эга бўлмоқчи. "Сити" эса 40 млн. фунт ва яна 6 млн. бонус бермоқчи.



## «Герта» клуби автобуси ўққа тутилди

Берлиннинг "Герта" клуби футбол жамоаси автобуси Германия кубогининг биринчи давраси доирасида Билефельднинг "Арминия" жамоаси билан учрашувга кетаётган пайтда йўлда ўққа тутилган. Бу ҳақда жамоанинг расмий твиттерда маълум қилинди. Маълум қилинишича, номаълум эркак мотоциклда автобусга яқинлашиб, ўқ узган. Жиноятчи ҳайдовчи ўриндиги ёнидаги олд ойнага шикаст етказган. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч ким жабр кўрмаган. Автобус бўш бўлиб, футболчилар Билефельдга поездда жўнаб кетаётган бўлганлар. Автобус эса уларни ўйиндан кейин ортага олиб кетиши керак бўлган.

## «Ювентус» эътиборини Гюндоганга қаратмоқда

Италиянинг "Ювентус" клуби Дортмунднинг "Боруссия" жамоаси ярим ҳимоячиси Илкай Гюндоганга эътибор қаратмоқда. Германия терма жамоасининг 24 ёшли аъзоси турнирликлар сафини тарк этган Артуро Видалнинг ўрнини босиши кутиляпти. Эслатиб ўтамиз, "Ювентус" клуби Мадриднинг "Реал" жамоасидан Саму Хедирани харид қилганди. Аммо у жароҳат олиб, 2 ойга сафдан чиқди. Шу сабабли "Ювентус" клуби раҳбарияти майдон марказини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Эслатиб ўтамиз, Гюндоган ўтган мавсумда 33 та ўйинда майдонга тушиб, 3 та гол киритган.

## Бенземага икки талабгор

Англиянинг "Манчестер Сити" клуби Мадриднинг "Реал" жамоаси ҳужумчиси Карим Бенземага трансфер буйича мадридликларга таклиф юборди. Маълумотларга кўра, "шаҳарликлар" франциялик футболчи учун 70 млн. евродан воз кечмоқчи. "Реал" клуби ҳозирча бу таклифга жавоб қайтаргани йўқ. Аввалроқ, "Арсенал" клуби Карим Бенземага қизиқиш билдираётгани хабар қилинганди. Daily Mail хабарига кўра, "Арсенал" клуби раҳбарияти ҳам Бензема учун катта пул тўламоқчи. Манбага кўра, франциялик футболчини сотиб олиш учун ажратиладиган пул Месут Ўзилга сарфланганидан кўпроқ бўлади. Эслатиб ўтамиз, "канонирлар" Месут Ўзилни 42,5 млн. фунтга сотиб олган эди. Шунингдек, Бензема "Арсенал"нинг энг кўп ҳақ тўланувчи футболчисига айланиши айтилмоқда. Жамоа бош мураббийи Арсен Венгер ўз ватандошнинг хизматлари ёрдамида узок кутилган чемпионликка эришишга ишонмоқда.




## Мессидан Болалар фондига хайрия



Аргентинанинг TN телеканали хабарига кўра, "Барселона" клуби ҳужумчиси Лионель Месси БМТнинг Болалар фондига 500 минг доллар хайрия қилди. Футболчи Аргентинада "Қуёш болалар учун" шиори остида ўтказилган хайрия тadbирда қатнашди ва 4,5 млн. песо (487 минг АҚШ доллари) хайрия қилди. Tadbирда футболчи шахсан қатнашмаган бўлса-да, видео орқали иштирокчига айланди.

## Балотелли «Интер»дан рад жавобини олди

Англиянинг "Ливерпуль" клуби ҳужумчиси Марио Балотелли ҳозирда ўзига янги жамоа изламоқда. У ўз хизматини Италиянинг "Интер" клубига таклиф қилди. Балотеллининг собиқ клуби унга қатъий рад жавобини берди, дея хабар тарқатди Football Italia нашри. Ўз навбатида 24 ёшли футболчи Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал-Аҳли" клубидан тушган таклифни рад қилганди. "Лацио" клуби Европа чемпионлар лигасининг гуруҳ bosқичи йўлланмасини қўлга киритса, Марио римликлар сафига қўшилишга ҳаракат қилиб кўради. Бундан ташқари, футболчи "Болонья" ва "Сампдорья" жамоалари ҳам даъвогарлик қилишмоқда. Агар "Ливерпуль" клуби ўйинчи маошининг бир қисмини тўлашга рози бўлса, улар Балотеллини ижарага олишлари мумкин. Аввалроқ ливерпульликлар Балотеллини "Милан" клубига таклиф қилишганди. Бирок "россонери" раҳбарияти мазкур таклифга рад жавобини берганди.



## Лукас Лейва трансферга қўйилди

Англиянинг "Ливерпуль" клуби трансфер мавсуми ёпилганига қадар ярим ҳимоячи Лукас Лейвани сотиб юбормоқчи. Мерсисайдликлар 28 ёшли бразилиялик футболчи учун 8 миллион фунт стерлинг сўрашмоқда. Эслатиб ўтамиз, қишда Лейва Италиянинг "Интер" клуби томонидан қизиқиш билдирилган эди.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

**Ўтганларнинг охираги обод бўлсин**  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоаси Тахтақўпир туман прокурори Қадирбай Бекмуратовга укаси **МАКСУБАЙ БЕКМУРАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**Huquq**  
yuridik gazeta  
Muassis:  
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

Bosh muharrir:  
**Jahongir MAKSUMOV**  
Tahrir hay'ati:  
Hakimboy HALIMOV Gulnoza RAHIMOVA Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari) Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 233-98-40, Faks: 233-10-53, 233-64-85  
E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz  
Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqrib qilmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. □ — tijorat materiali.  
Nashr ko'rsatkichi **231**

Buyurtma s-3593.43.177 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA Sahifalovchi: S.BABAJANOV Navbatchi: O'.DEHONOV  
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirishi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-7617  
9 772010 761004